

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 1Ф (560)

ББК: 87,6 (5 Туц)

А-82

АСАТУЛЛОЕВ ИНОМ АБОБАКИР ЎҒЛИ

XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМИДА ТУРКИЯДА
ФАЛСАФИЙ ФИКР РИВОЖИ

5А 120501 – Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Фал.фан.ном., доц. Р.Р. Каримов

ТОШКЕНТ - 2014

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
I боб.	XIX аср охири ва XX аср иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.....	11
1.	Танзимат даври фалсафасининг XX аср Туркия фалсафий фикр тараққиётида тутган ўрни.....	11
2.	XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.....	20
	I боб бўйича хулоса	25
II боб.	XX аср Ғарб фалсафий оқимларининг Туркия фалсафий фикр ривожига таъсири.....	27
1.	Туркияга Экзистенциализм фалсафасининг кириб келиши ва дастлабки таъсирлари.....	27
2.	Юсуф Атилген ва Ҳилмий Зиё Улкен қарашларида инсон ва унинг мавжудлиги масаласи.....	36
	II боб бўйича хулоса	46
III боб.	XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий фикр ривожига ва унинг аҳамияти.....	47
1.	Туркияда Муҳофазакорлар ва Ғарбчилар ўртасидаги тортишувлар ҳамда Аҳмад Ҳамди Танпинарнинг маданий ўзгариш ва турғунлик ҳақидаги қарашлари.....	47
2.	Камол Тоҳир қарашларида Шарқ ва Ғарб жамиятларининг тараққиёт йўли ва Туркияда маданий муаммолар таҳлили.....	56
3.	Аднан Адивар, Фуат Кўпрулу ва Алауддин Шенелнинг ижтимоий қарашлари ва унинг аҳамияти.....	64
	III боб бўйича хулоса	71
	Хулоса	72
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, буюк алломаларимиз ҳаёти ва уларнинг бой маънавий меросларини ўрганиб, тадқиқ қилиш билан бирга, хорижий файласуфлар ва улар илгари сурган ғояларни ўрганишга ҳам катта эътибор берилди бошланди.

Ҳозирги кунда биз ёшларнинг олдида турган вазифалардан энг муҳими бу тарихни соҳталиклардан халос этиш, ҳаққоний тарихни баён этиш ва уни келажак авлодларга етказишдир. Президентимиз Ислам Каримов кўрсатиб ўтганларидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»¹. Шундай экан, биз ёшларнинг бурчи мамлакатимизда ривожланган фалсафий фикр ривож ва фалсафа тарихини тадқиқ қилиш билан бирга, хорижий мамлакатлар фалсафасини, хусусан қардош халқлар тарихини, фалсафий фикр ривожини тадқиқ қилиш ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини кўрсатиб беришдир.

Бу тарздаги тадқиқотлар, фалсафа тарихини тадқиқ қилишга, хусусан, туркий халқлар фалсафаси ва уларда ифодаланган ғояларни ўрганиш, замонавий турк ижтимоий фикр ривожини таҳлил қилиш сиёсий жараёнларга тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Фалсафа тарихини ўрганиш фалсафанинг ижтимоий онг шакллари ўртасидаги ўрнини аниқлаш ва жамият моддий ҳаётининг ижтимоий амалиётга боғлиқлиги, нисбий мустақиллиги, шунингдек, ички тараққиётида, ички мантиққа эгаллигини аниқлашни тақозо этади. Фалсафа тарихини ўрганишга, хусусан хориж фалсафий фикр ривожини ўрганишга ҳозирги даврда катта эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз «Фидокор» газетаси муҳбирининг саволларига жавоб берар экан, қуйдагиларни кўрсатиб ўтган эди. «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ханузгача ўзбек тилида нашр этилмаганлиги туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. ...Ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент, «Шарқ», 1998. -Б. 132.

килиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»². Мана шу фикрлардан келиб чиқсак, чет эл фалсафа тарихи ва фалсафий фикр ривожини тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарблик касб этмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги турк фалсафий фикр ривожини тадқиқ қилиш ва унда ифодаланган ғоялар билан танишиш қардош халқ бўлган турк миллатининг бугунги ҳолати ва тараққиётини кўра олишга имкон беради. Шунингдек, XX асрда яшаган ижтимоий тафаккур тараққиётига ўз хиссаларини қўшган файласуфлар ҳаёти ва қарашлари билан танишиш орқали жамиятда кўринадиган муаммо ва камчиликларга ёндошиш йўллари ҳам ўрганилади. Фалсафий фикрларни ўрганиш орқали биз қўшни давлатларнинг маънавий маданиятини англаш ва маданий ривожланишининг йўналишини билиш, таҳлил қилиш ва орттирган ўз тажрибаларимизни мамлакатимиз ривожичун тадбиқ этишимиз мумкин. Мана шу жиҳатлар ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида мамлакатимизда ҳозирги кунда Шарқ ва Ғарб халқларининг илм-фандаги ютуқлари ва ижтимоий фалсафий таълимотларини катта қизиқиш билан ўрганилаётганлигини келтиришимиз мумкин. Шу ўринда ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримовнинг ушбу изоҳларини айтиб ўтиш жоиздир: «... Биз бугун мамлакатимиз қатори, хориж аҳли билан, тарихимиз ўзаро узвий боғланган қўшни давлатларнинг халқлари билан, дунёдаги барча тинчликсевар эллар билан илм, маданиятнинг ҳамжиҳатлик соҳаларидаги муносабатларимизни янада яхшилаш тарафдоримиз»³. Мамлакатимизда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар қатори фалсафага, хусусан, Шарқ фалсафасига катта аҳамият берилмоқда. Араб дунёси, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Япония ва бошқа Шарқ халқларининг қадимги ва замонавий маънавий мероси, ижтимоий фикр тарихи илмий тадқиқ этилмоқда. Зеро,

² Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродалилигига ишонаман // Фидокор. 2000. 8 июн.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент, Ўзбекистон, 2011. -Б. 243.

«...Қадимдан Шарқ халқлари илмий-маданий алоқалари кучли эди. Бу ҳамкорлик янада ривожланиб, халқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишга ишончимиз комил»⁴. Юқорида таъкидланган концептуал фикрларни инобатга олиб, ушбу магистрлик диссертациясида XX асрнинг иккинчи ярмида Туркия фалсафий фикр ривожини татқиқ этиш масаласининг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, биламизки, Туркия азалдан кучли давлатчиликка ва бой фалсафий меъросга эга давлат бўлган. XX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Туркияда фалсафий фикр ривожини турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар орқали ранг-баранглик касб этди. Турли хил фалсафий оқимлар шаклланди, мавжудлари эса жамиятда ўз ўрнини мустаҳкамлаб, ўзига хос қарашларни илгари сурди. Бу даврда Туркияда позитивизм, прагматизм ва экзистенциализм каби оқимлар жамиятга кучли таъсир кўрсатди. Усмонийлар империясининг ғарблашиш ҳаракатлари натижасида кириб келган позитивизм фалсафаси, кейинги асрда ҳам жамиятда ўз ўрнини сақлаб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Туркия фалсафий тафаккурига экзистенциализм фалсафаси кириб келди. Инсоннинг мавжудлик масаласини, жамиятдаги тушкунлик ва бегоналашув ҳолатларини кўрсатиб берувчи ва унга ечим топувчи фалсафий оқим бўлган экзистенциализм фалсафаси Туркияга XX асрнинг 50-йилларидан кириб кела бошлади. Турк фалсафий тафаккурида Ҳилмий Зиё Улкен, Юсуф Атилген, Ферит Эдгу, Аҳмад Ҳамди Танпинар, Сабаҳиддин Али каби экзистенциал қарашларни илгари сурган ёзувчилар етишиб чиқди. Улар жамиятдаги муаммоларни, инсоннинг тушкун ҳаётини ўз асарларида кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Юқоридаги файласуфлар ва улар илгари сурган ғояларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича таҳлил қилиш ва уларни илмий асосда ўрганиш замонавий шарқ фалсафасининг янги қирраларини очиш имконини яратади. Шу сабабдан ҳам ушбу масалани чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Тошкент, Ўзбекистон, 2011. –Б. 244.

Иккинчидан, XIX асрнинг охирида бошланган ва ҳозирги кунда ҳам давом этаётган ғарблашиш жараёни кўплаб турк ёзувчиларининг эътиборини тортмоқда. Чунки, Танзимат даврида қилинган ислохотлар натижасида Туркия ғарбдан илмий, техникавий ва маданий янгиликларни қабул қилди. XX асрга келиб маданий ғарблашиш турк жамиятининг ўзига хос хусусиятини йўқолишига олиб келди. Миллийлик йўқолмоқда, ёшлар ўртасида ғарбона маданиятга эргашиш кучаймоқда. Аҳмад Ҳамди Танпинар ва Камол Тоҳир асарларида ғарблашишни салбий хусусиятлари кўрсатиб берилади. Ҳозирги кунда глобаллашув жараёнида ва маданиятлар тўқнашуви ҳолатида юқоридаги файласуфларнинг миллий муҳофазакорлик ҳақидаги қарашларини билиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмида Туркиядаги фалсафий фикр ривожини мамлакатимизда ўрганилмаганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолатдир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсади, XX асрдаги Туркия фалсафий фикр ривожини ўрганиш ва фалсафий фикр намоёндаларининг қарашларини илмий-фалсафий, методологик жиҳатдан тадқиқ этиш, умумий ҳулосалар чиқариш ва жамият учун аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқот ишида ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- Танзимат даври фалсафасининг XX аср Туркия фалсафий фикр ривожига тутган ўрнини аниқлаш;
- XX аср Туркиядаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётни атрофлича ёритиш;
- Ғарб фалсафий оқимлари, хусусан Экзистенциализмнинг Туркия фалсафий тафаккурига кириб келишини ўрганиш;
- Юсуф Атилген ва Ҳилмий Зиё Улкен қарашларида мавжудлик фалсафасини шаклланиши ва экзистенциал ғояларни ифодаланишини таҳлил қилиш;

- Аҳмад Ҳамди Танпинар қарашларида маданий муаммолар таҳлилини ўрганиш ҳамда Ғарбчилар ва Муҳофазакорлар қарашларини таҳлил қилиш;
- Камол Тоҳирнинг Шарқ ва Ғарб жамиятларининг ўзига хос тараққиёт йўли ҳақидаги қарашларини тадқиқ қилиш ва аҳамиятини кўрсатиш;
- Камол Тоҳирнинг ғарблашиш жараёни юзасидан билдирган фикрларини таҳлил қилиш;
- Аднан Адивар, Фуат Кўпрулу ва Алауддин Шенелнинг ижтимоий қарашларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот мавзусининг объекти XX асрда Туркия фалсафий фикр ҳолати, фалсафий фикр намоёндалари ва уларнинг асарлари ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган турк файласуфларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари ва улар илгари сурган ғояларни ўрганиш тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ҳозирги замон Шарқ фалсафасини ўрганиш Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳволини билиб олишга катта ёрдам беради. Шунингдек, қардош халқлар фалсафасини ўрганиш ва унда илгари сурилган муаммоларни таҳлил қилиш, жамиятдаги муаммоларга кўрсатилган ечимни ўрганиш ўз жамиятимиздаги муаммоларни ечишга ҳам қандайдир тўртки бўлиши мумкин. Диссертацияда тақдим этилган маълумотлар ҳозирги жамиятларда кўринаётган маданий бузилишларни олдини олишда, оммавий маданиятни салбий томонларини кўрсатиб беришда восита бўлиб хизмат қилиши мумкин ва Шарқ фалсафасининг айрим масалаларига ечим топишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Ушбу тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида турк ижтимоий тафаккури ва унинг XX асрдаги ҳолатни баҳолаш эканмиз, шунинг қайд этиш лозимки, мамлакатимизда XX аср турк

ижтимоий тафаккури ва фалсафаси жуда кам ўрганилганлиги, XX аср турк фалсафаси ва ижтимоий фикр ривожига дахлдор ёзувчиларни фақатгина адабиётшунослик нуктаи-назаридан тадқиқ қилинганлигини кўрсатиб ўтишимиз лозим. Биз мавзунинг дунё миқёсида тадқиқ этилишига доир тадқиқотларни асосан инглиз тилида топдик, жумладан, уларга Уилям Баррет⁵, Томас Де Коник⁶ каби олимларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, И. Агаҳ Чубукчининг «Турк тафаккур тарихида фалсафий ҳаракатлар», Ҳ. З. Улкеннинг «Туркияда замонавий фикр тарихи», Акшин Синанинг «Жон турклар ва Иттиҳот ва тараққий», Фраер Ҳансинг «Ижтимоий назариялар» каби тадқиқотларини кўрсатишимиз мумкин.

Шу билан бирга, Исмоил Энгиннинг «1860-1908-йилларда Усмонлилар давлатида позитивистик ва материалистик оқимларда маданий ўзгаришларининг таҳлили», Б.А.Четинкаянинг «Туркиянинг фалсафий асослари», Ўзлем Доғанинг «Туркияда позитивизм ва сиёсат», Мустафо Куртнинг⁷ «Туркияга экзистенциализм фалсафасини кириб келиши ва таъсирлари», Тунжай Имомўғлининг⁸ «Аҳмад Ҳамди Танпинар қарашларида ўзгариш ва турғунлик масаласи» каби тадқиқотларини келтириш мумкин.

Лекин шуни ишонч билан айтаманки, XX аср ўрталаридаги Туркия фалсафий фикр ривожини мамлакатимизда умуман ўрганилмаган мавзулардан биридир. Шундай экан, Замонавий турк фалсафаси биз учун янги маълумотлар ва ғояларга бой ўрганилмаган оламдир.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Тадқиқотда биринчи манбаларнинг анализи ва ушбу матнларни таҳлил этишда оддийдан мураккабга систематик равишда кўриб чиқиш асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, мавзуни ёритишда илмий билишнинг тарихийлик,

⁵ Barret, William , Irrasyonel insan. «Varoluçuluk Üzerine Bir inceleme», Ankara: Hece Yayinlari. 2003.—s 207

⁶ De Khonick, Thomas, «Yeni Cehalet ve Kültür Problemi», Ankara: Epos Yayinlari. 2003. —s.132

⁷ Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул, 2009. —Б. 154

⁸ Tuncay Imamoğlu. «Ahmet Hamdi Tanpinarda süreklilik ve değişim». Istanbul.: Atatürk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2011 —s.112

объективлик ва мантикийлик тамойилларидан, ҳамда, герменивтик қиёсий таҳлил қилиш каби илмий тадқиқот методларидан имкон даражада фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти унда баён этилган мулоҳазалар, ижтимоий фикрлар ва қарашлар, назарий хулосалардан фалсафий тафаккурни кенгайтиришга, мустақил фикрни ўстиришда, онтологик ва гносеологик қарашларни бойитишга ўзига хос ҳисса қўшишида, замонавий Шарқ фалсафасига бўлган ижобий муносабатни шакллантиришда, ҳамда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилишда ўз ифодасини топади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, замонавий фалсафий таълимотларни ўрганиб, атрофлича таҳлил қилиб, миллий мафкурамиз йўлида тўғри фойдаланиб, тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ундаги назарий хулосалар, тақлиф ва тавсиялардан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, Шарқ фалсафасига доир тўғаракларда, дарс жараёнларида «Замонавий Шарқ фалсафаси» каби фанларни ўқитишда ва ушбу йўналишлардаги турли илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациямизнинг илмий янгилиги сифатида қуйдагиларни келтиришимиз мумкин.

- Танзимат даврида мавжуд бўлган позитивизм, прагматизм каби оқимлар ўрганилди ва уларнинг турк жамиятига кўрсатган таъсири очиқ берилди.

- XX аср Туркия ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти тадқиқ қилинди ва умумий хулосалар чиқарилди.

- Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ўрганилди ва турк экзистенциал ёзувчиларининг асарлари тадқиқ қилинди.

- Икки асрдан буён давом этиб келаётган ғарблашиш ҳаракати тўғрисида умумий хулосалар келтирилди.

- Юсуф Атилген ва Ҳилмий Зиё Улкеннинг фалсафий қарашлари баён қилинди.

- Аҳмад Ҳамди Танпинар ва Камол Тоҳирнинг ғарблашиш жараёнига бағишланган ғоялари ўрганилди.

- Аднан Адивар, Фуат Кўпрулу ва Алауддин Шенелнинг ижтимоий қарашлари асосида хулосалар чиқарилди.

Тадқиқотнинг тузилиши ва таркиби: Диссертация кириш, уч боб, етти банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 83 бетни ташкил қилади.

I боб. XIX аср охири ва XX аср иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт

1. Танзимат даври фалсафасининг XX аср Туркия фалсафий фикр тараққиётида тутган ўрни

Ҳозирги Туркия ҳудудида жуда қадим замонлардан бошлаб юксак маданиятга эга бўлган давлатлар мавжуд бўлган. Туркий элатлар бу ҳудудга XI асрдан кўчиб кела бошлаган ва XIII асрнинг охирларига келиб, мўғиллар заифлашгач, бир қанча мустақил бейликлар (бекликлар) ташкил топади ва мамлакат тараққиётга юз тутди. XIV асрнинг бошларида Усмон I бошчилигидаги Усмон бейлиги кўпгина бейликларни бирлаштириб, пойтахти Бурса бўлган марказлашган кучли давлатни — Усмонли турк империясини барпо этишга муваффақ бўлди.

XVIII асрга қадар бўлган даврда Усмонийлар империяси ўз маданий тараққиётининг чўққисига эришган эди. Аммо XVIII асрнинг II ярмидан бошлаб, уч қитъада ўз ҳудудларига эга бўлган империяда «инқироз» бошланди. Бу жараён бир асрдан кўпроқ давом этди. Натижада, XIX асрнинг охирларида мамлакат ярим мустамлака ҳолатига тушиб қолди. Усмонийлар империясини Султон зулмидан ва мустамлакачилар таъсиридан озод этиш учун мамлакат ташқарисида «Ёш турклар» фаол ҳаракат олиб бордилар. Инқилобий ҳолат юзага келди. Бу инқилобий ҳаракатнинг талабларига ривожланишда ғарбнинг йўлини тутиш дастури мос тушарди. Бундай ҳолатни ҳисобга олиб, мустамлакачилар «Ёш турклар»га мамлакат таркибидан миллий мустақил давлатлар тузмасдан туриб, тараққиёт йўлига чиқолмасликларини тушунтирмоқчи бўлишарди. Натижада, инқилоб шовинистик руҳда олиб борилиб, бошқа миллатга мансуб тараққийпарварларни ўзида бирлаштира олмади. Султонлик бирин-кетин мустамлакаларидан айрила бошлади. Жамиятнинг деярли барча қатламларини бирлаштирган «Ёш турклар» 1902-йил Парижда I курултойни ўтказдилар. Курултой сўнгида турли масалалар бўйича ҳаракатда бўлиниш юз берди. Европа тараққиёт йўлини тутувчи —

«Шахсий ташаббус лигаси», туркпараст ва янги исломчилар – «Хуррият ва Ёттиҳод», Мустафо Камол Отатурк бошчилигида инқилобий гуруҳ– «Ватан» ҳаракатига бирлашдилар. 1907-1908-йилларда инқилоб мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида кўтарилди. Абдулҳамид II тахтдан туширилиб, ўрнига Меҳмед V Ришод тахтга ўтирди. Конституция қайта тикланиб, парламентга овоз берилди⁹. Аммо Туркияда бу билан тинчлик ўрнатилмади, то 1923-йил Республика эълон қилингунга қадар реакцион ҳаракатлар олиб борилди.

Бу даврда Туркиядаги маданий ҳаётга эътибор қаратадиган бўлсак, ижтимоий ва сиёсий вазият каби ўта чалкаш ва ранг-баранг хусусиятга эга эди. Ушбу даврда Империянинг маданий ҳаётида «ғарблашиш» давлат мафкурасининг энг аҳамиятли нуқтаси сифатида қараларди. XIX аср – Усмонийлар империяси тарихида «ғарбча» реформачилар ва миллийлик асосида ривожланиш тарафдорлари ўртасида кураш даври, деб эътироф этилади. Бир томондан, конституциявий тузум ўрнатишга ҳаракат қилган Аҳмет Жавдат (1802-1885); француз тараққиётини тарғиботчиси Али Пошшо; иккинчи томондан, ҳар иккисини ҳам инкор этмаган ҳолда халқ таълимини замонавийлаштириш ҳамда шаъриятни қайта кўриб чиқишни илгари сурган Номик Камол (1840-1888), Зиё Пошшо (1825-1880, Али Суавилар (1839-1877); яна бошқа бир томондан, халқни ғарб илм-фани, фалсафаси билан таништириб, марифатли қилиш тарафдорлари Мунис Пошшо, Ҳожа Таҳсинлар жамият ҳаётига замонавий тараққиётини олиб киришга ҳаракат қилдилар¹⁰.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Туркия Ғарбдан барча соҳаларда: илм-фан, саноат, иқтисодиёт ва ҳарбий соҳаларда ортда қолди. Туркиянинг Шимолий Африка, Олд Осиё ва Араб минтақасидаги мустамлакалари Англия ва Франция томонидан бўлиб олинди. Болқондаги мустамлакаларида эса Россиянинг таъсири бўлиб, озодлик учун ҳаракатлар

⁹ Hilmi Ziya Ulken, «Türkiyenin modernleşmesi ve bu hareketin öncülleri olan türk düşünürleri», AUIFD, Ankara.: 1963 № 27-30, 11 j.s-28

¹⁰ Bayram Ali Cetinkaya, «Modern Türkiye'nin felsefi kökenleri». Ankara.: 2002-y, -s.65-66

кучайиб кетди. Усмонли империясининг олдинги халқаро сиёсий майдондаги таъсири йўққа чикди. Мамлакат ичида ижтимоий-иқтисодий танглик юзага келди. Бундай иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий танг аҳволдан чиқиш учун давлатда **1839-йилдан Танзимат ислохотлари ўтказилди.** Аммо ислохотларнинг барчаси султон ва подшолар манфаатидан келиб чиққани учун кутилган натижани бермади. Бироқ ғарбнинг мамлакатга таъсири янада кенгайди, мамлакатдаги мавжуд сиёсий тузумга нисбатан янгилик киритиш ғоялари вужудга келди. Давлатдаги мавжуд аҳвол давлатнинг бошқарув соҳаси, иқтисодиёт ва маърифий ислох қилишни тақозо этарди. Мамлакатда вужудга келган бўшлиқни тўлдириш учун замонавий ўзгаришлар зарур эди. Бунинг устига мамлакатдаги маърифий қолоқлик, ижтимоий фикрда ҳамжихатликни йўқлиги туфайли, Ғарб фалсафаси, мафкураси, маданияти ҳеч қандай қаршиликларсиз кириб кела бошлади. Танзиматдан кейинги даврда мамлакат ҳаётида ғарблашиш кучлироқ таъсир кўрсата бошлади. Халқ орасида, ғарб маданияти, маърифатини тарғиб қилувчилар етишиб чикди. Танзимат илғорлари ғарбнинг тезлик билан ривожланиш сабабларини ўрганиб, мамлакатдаги ва халқ ҳаётидаги тангликни бартараф этишга ҳаракат қилдилар. Туркия нима учун тараққиётдан ортда қолди? Империяда юзага келган мавжуд тангликни қандай бартараф этиш мумкин? Мамлакатни ғарб даражасига кўтариш учун нималар қилиш ва илмий жиҳатдан қандай фалсафий таълимотларга таяниш керак? Ечим сифатида ғарб маданияти, илм-фан ва техника тарққиётини олиш керак, деган фикрлар пайдо бўла бошлади. Ушбу муаммолар юзасидан турк зиёлилари орасида ғарбнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий таъсири кучайиб борди. Мамлакат эса, иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб қолди. Мамлакатда ғарб таълими асосида Тиббиёт академияси, Галатасарой лицейи очилди. Булардан Тиббиёт академияси дарвинизм, фрейдчилик, материализм ва позитивизмнинг тарғибот марказига айланди¹¹ (Кейинчалик бу ерда таҳсил олган ёш офитцерлар

¹¹ Bayram Ali Cetinkaya, «Modern Türkiye'nin felsefi kökenleri», Ankara.: 2002. -s.67

позитивист руҳдаги инқилобий гуруҳ тузишади). Мамлакатда ғарбчиликнинг кенг ёйилиши, мавжуд барча ижтимоий-маънавий соҳани остин-устин қилиб юборди.

Шунингдек, бир гуруҳ маърифатпарварлар миллий маданиятни, шу билан бирга анъанавий кадриятлар ва ғарб тарақиётини бирлаштиришни (Филибелик Аҳмад Ҳилмий, Саид Ҳалим Пошшо); бошқа бир гуруҳ ғарб илм-фани ва технологиясини ҳаётга татбиқ этиб, мамлакатни оёққа турғозишни (Зиё Гўкалп, Абдулла Жевдат, Тавфик Фикрат ва бошқалар) илгари суришди¹². Шундай қилиб, мамлакат ғарб маданияти, мафкураси ва сиёсати таъсири остида кураш майдонига айланди.

1908-йилда Абдулҳамид II тахтдан туширилгандан сўнг, Туркия ижтимоий ҳаётида фаоллашиш юз берди. 1908-1918 йиллар оралиғида Ғарбдаги мавжуд барча фалсафий қарашлар, фалсафий оқимлар ва адабиёт мактаблари мамлакатда кенг ёйила бошлади. Уларнинг таъсири фақат назария билан чегараланмасдан, ижтимоий ҳаётда ҳам ўз аксини топди. Турк ёшлари Францияда таҳсил олишган ва О. Конт, Дюркгейм, Э. Ренан асарлари билан яқиндан танишишган. Мамлакатда дунёвий муҳит вужудга келди. Ғарб файласуфларининг фалсафий, маърифий ва ижтимоий қарашлари турк маърифатпарварларини ўзига тортди. Ғарб адабиётидан Декарт, Нютон, Жон Локк, Волтер, Руссо, Монтескье, Л. Бучнернинг асарлари таржима қилинди. Уларнинг илғор ижтимоий ғоялари тағиб қилина бошланди.

Шундай қилиб, бу даврда турк фалсафий тафаккурида кучли таъсирга эга бўлган йўналишлар сифатида

1. Спиритуализм (анти-материализм)
2. Материализм
3. Позитивизм

¹²Turkone Mumtazir, «Islamciligin dogusu», Istanbul.:1991. -s. 42-43

каби оқимлар келтирилади¹³. Спиритуализм оқими ғарбдан кириб келаётган маданий ва сиёсий янгиликларга қарши чиқиб, миллий кадриятларни сақлаб қолиш кераклигини илгари суради. Спиритуализм оқимининг йирик вакилларидан бўлган Филибелик Аҳмад Хилмий қарашларида шарққа ҳос миллий, диний ва тасаввуфий қарашлар мавжуд эди. У миллатни миллат сифатида сақлаб қолиш учун кадриятлар ва ананаларни сақлаб қолиш тарафдори эди¹⁴.

Спиритуалистик қарашлар авваллари илмийликдан узоқроқ олиб қараларди, фақат ўтган асрнинг II чорагидан Ғарбда уни қабул этиш бошланди. Спиритуалистик фалсафа борлиқни худо-олам, модда-руҳ каби иккилик (дуалистик) синфлашга қўшилмайди. Улар борлиқни ягона Ваҳдатул-вужуд сифатида тушуниб, монистик спиритуализмни қабул қилади. Аммо пантеистик талимотга қарши чиқиб, пантеизм «худо билан оламни ягоналикка келтиришдир», дейдилар¹⁵.

Шунингдек, спиритуалистлар оламнинг «йўқдан бор этилганлигини қабул қилмайди». Улар бу ерда анча олдинги «Ваҳдатул-вужуд» тасаввуфчиларнинг қарашларига таянади. Инсон вафот этгандан кейин ундаги руҳ нима бўлади? Спиритуалистлар руҳ манавий оламда янги бир «мазҳар» (субстратум)га айланишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, парчаланиш йўқ бўлиш билан тенгдир. Бутунлика ва соддаликка эга бўлган нарса эса, йўқ бўлмайди ва парчаланмайди. Руҳ, бутун ва соддадир, шунинг учун у парчаланмайди, яъни йўқ бўлмайди¹⁶. Спиритуалистлар материалистларнинг руҳ ҳақидаги қарашларини танқид қиларкан, руҳни ақл хусусияти билан изоҳлаш имконсиз эканлигини таъкидлайди. «Руҳни кўра олмаймиз, электирни ҳам кўра олмаймиз, аммо таъсири ва хусусияти орқали биламиз. Руҳий ҳодисалар, унинг борлиги учун етарли далил эмасми?»¹⁷

¹³ Bayram Ali Cetinkaya, «Modern Türkiye'nin felsefi kökenleri», Ankara.: 2002. –s.70

¹⁴ İsmail Kayı. «Filibeli Ahmet Hilmi ve tesevvuf ideolojisi» makalesi. İstanbul.: 2000.

¹⁵ Yeni Türkiye yayınları, Ansiklopedi, cilt.14, Ankara.: 2002 -s.544

¹⁶ Bayram Ali Cetinkaya. «Modern Türkiye'nin felsefi kökenleri». Ankara .: 2002. –s.65-66

¹⁷ Bayram Ali Cetinkaya «Modern Türkiye'nin felsefi kökenleri». Ankara.: 2002. –s. 65-66

Спиритуалистлар, Баха Тевфик ва Жалол Нуриларнинг ғарб таъсиридаги позитивистик қарашларига қарши чиқишади ва уларни ғарбча ҳаёт тарзи ва фалсафасини мусулмон жамиятига тадбиқ этиш ҳақидаги фикрларини қоралашади. «Ғарб ҳаёт тарзиги оид қадриятлар ва анъаналарни ислом элагидан ўтказмасдан, ҳаётга тадбиқ этилиши жамиятни маънавий салоҳиятини инқирозга олиб келади»¹⁸, дейди спиритуализм вакили Аҳмад Хилмий.

Спиритуалистлар исломий жамиятларнинг ортда қолиши, ғарб фалсафасига рақобатчи бўла олмаслигини ва ғарб маданиятининг мусулмонлар маданиятига салбий тасир этиши каби ҳолатларга сабаб сифатида инсонларнинг жоҳилигини кўрсатишади. Лекин, таълим тизимини (мадрасалар ислоҳат арафасида эди) бутунлай ўзгартирилишига қарши чиқадилар. «Ғарб фалсафасини мусулмонларга бўладиган салбий таъсиридан ҳимояланса, ғарб фалсафаси ва билимларини ўрганиб, атрофлича анализ қилинса-адашишларни, камчиликларни ва ислом жамиятига мос келмайдиган томонларини муҳокама қилишга ҳожат бўлмасди»¹⁹.

Спиритуалистлар жамиятни ортда қолганлигини ва инқирози сабабларини илмдан узоқлашишга, исломни хато тушуниб, хато изоҳланишига, жаҳолатга илмсизликка ва ижтиҳод* кенгашидан фойдаланмасликда дейдилар. Аҳмад Хилмий фикрича «... Ижтиҳод эшиклари ёпилди дегани - рухий ва ижтимоий эҳтиёжларга чора топиш эшиги ёпилди, деганидир. Бу эса, Исломий халқларининг диний ҳиссиётларига ва эҳтиёжларига ўлим жазоси беришдан бошқа нарса эмас»²⁰. Спиритуалистлар ижтиҳоднинг индивидуал ҳолда эмас, Исломдаги 40-50 тача мусулмон олимларининг бир жойга тўплаб Олий Ислом Ижтиҳод Кенгашини вижудга келтириш кераклигини ёқлайди.

¹⁸ Bayram Ali Cetinkaya «Modern Turkiyenin felsefi ko'kenleri». Ankara.: 2002. -s.66

¹⁹ Елиачик Р. И. «Туркияда исломнинг янгиловчилари» Анкара 491-бет.

* Туркияда Қуръонда келтирилмаган муаммо юзасидан ечим чиқариш учун уламолардан тузилган кенгаш (ижмо, рай, киёс)

²⁰ Yeni Türkiye yayınları, Ansiklopedi, cilt.14, Ankara.: 2002 -s.544

Шунда Ижтиҳод кенгаши мусулмонлар учун йўл кўрсатувчи бўлиши мумкин.

Спиритуалистлар томонидан танқид қилинган яна бир муаммолардан бири ғарбга тақлидчиликдир. Бошқарув тизими сифатида ғарбдан француз парламент бошқарув тизимини қабул қилинишига қарши чиқадилар. Спиритуалистлар фикрича, ғарбга қарши туришдаги асосий восита - танлаш ғояси ва аналитик фикрлашидир. «Француз каби кейинган, инглиз каби дам оладиган, италянга ўхшаб қўшиқ куйловчиларимиз кўп; аммо кучли муҳандисимиз, фабрика курадиган ватандошимиз, кучли иқтисодчимиз йўқдир. Шундай экан, биз шундай ҳолатга келиб қолганмизки, Европаликлар гугурт, игна, ип, бўз ва бошқа нарсалар билан бизни таъминламаса энг оддий эҳтиёжларимизни ҳам таъминлай олмайдиган ҳолга тушиб қолганмиз»²¹.

Спиритуалистлар Ғарбнинг илм-фанини қабул қилиш кераклигини, ахлоқини, маданиятини, санъатини рад қилиниши кераклигини такидлайдилар. «Бизга таҳдид солаётган Европа денгиз флоти ёки куролли қўшинлари эмас, бизни бошимиз узра юпқа ипга осилиб турган қилич бу Ғарб маданиятининг салбий таъсирлари ва ахлоқсизлигидир. Агар булардан ҳимояланиш чоралари топмасак, миллий ҳаётимиз даҳшатли бир туш каби, қийинчилик ва ахлоқсизлик ичида ўтади. Ҳеч қачон тортиб олинган ҳуқуқларимизни қайтариб ололмаймиз ва саодатимизга эриша олмаймиз. Бундай кучли ҳавфни кўраолмаяпмиз. Ҳаёт учун вабони тасири қандай бўлса, миллий ва ижтимоий ҳаёт усун Европа ахлоқсизлиги ва ёмонлигини таъсири шундайдир»²². Ҳақиқатдан ҳам маданий ва маънавий ўзгаришлар миллатни секин аста таназзулга бошлайди. Чунки, маданий ўзгаришларнинг салбий таъсири тезда кўринмайди. Ҳозирги мафкуравий кураш жараёнида миллатнинг ҳаётийлиги унинг миллийлиги ва кучли қадриятлар ва аннана­ларга эгалигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

²¹ Елиачик Р. И. «Туркияда исломнинг янгиловчилари» Анқара. –б. 495-496

²² Исмоил Кайя. «Туркияда исломий фикрлар тараққиёти» Анқара. –б. 92

Ривожланишни истасак, бир тарафдан инқирозимиз сабабларини, бошқа тарафдан ижтимоий тузулишимиз хусусиятлатини қандай ҳолатдалигига танқидий ёндошишимиз керак. Биз миллатимизни миллат қилган асосларни ҳароб ҳолга келтирсак ва улардан воз кечиб, янги бир одат ва анъаналар яратишга ҳаракат қилсак, ўз-ўзини ўлдиришга ташаббус кўрсатган бўлар эдик, деган фикрни билдиради Аҳмад Ҳилмий²³.

Бу фикрлардан шу нарса маълум бўладики, спиритуалистлар қарашларида муҳофазакорлик ғоялари мавжуд. Улар исломий жамиятни сақлаб қолишни, ғарбча ҳаёт тарзини қабул қилиш миллий бузилишга олиб келишини тушунтирмоқчи бўлдилар. Шунингдек материалистик қарашларга ислом дини ва тасаввуфдан келиб чиққан ҳолда ёндошадилар.

Юқоридаги йўналишлардан Турк жамияти учун энг аҳамиятлиси ва кучли тасирига эгаси «позитивизм» оқими бўлди. Туркияга позитивизм дастлаб, тўғридан-тўғри фалсафий оқим сифатида кириб келмади. Ғарбдан келтирилган адабиётлар, ғарб файласуфларининг таржима қилинган асарлари, муҳожир зиёлилар, француз дарсликлари асосида туркларнинг ижтимоий ҳаётига синга бошлади. Ижтимоий ҳаракатларда, халқ ҳаётида, фан, санъат соҳасида позитивизмнинг таъсири яққол кўриниб қолди. Турк позитивист намоёндалари етишиб чиқди. Аҳмет Риза, Ҳусайн Жаҳит, Тавфик Фикрет, Бешир Фуад, Аҳмет Шуайб, Салих Зекил ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг қарашларида классик позитивизмнинг ғоялари акс этган эди.

Туркияга позитивизм ғарбда ўқиб юрган ёш туркларнинг маърифат-парварлар ғояларини таъсир этди. Мамлакатда француз адабиёти, маданияти юқори қатламда урф бўлди. Натижада, Туркияда ғарб маданиятига мойиллик пайдо бўлди. Анъанавий фалсафа муаммоларига турк зиёлилари орасида қизиқиш уйғонди. Айрим гуруҳларда

²³ Yeni Türkiye yayinlari, Ansiklopedi, cilt.14, Ankara.: 2002 -s.544

материалистик ва атеистик қарашлар юзага чиқди. Бу ҳолат мамлакатда кечаётган ижтимоий ўзгаришларда таъсир этмасдан қолмади.

XIX аср охири, XX аср бошларида мамлакатда мавжуд тузумни ўзгартиришга бўлган барча сай-ҳаракатларда позитивизм мафкура ролини ўйнади. Шунинг учун турк зиёлиларининг қарашларида Ғарб фалсафасининг таъсири кучайиб борди. Уларда ғарбона маданият, тафаккур ва ижтимоий фикр шаклланди. Турк маърифатпарварларини, асосан, француз маданияти, илм-фан ютуқлари илҳомлантирган эди. Улар мамлакатда қилиниши керак бўлган ўзгаришларида позитивист файласуфларнинг таълимотларини ғоявий манба қилиб олдилар. Мамлакатда ўтказилган ислохотда француз ижтимоий ҳаёти модел қилиб олинди. Натижада халқнинг ҳаётида, мафкуравий ҳаракатларда, ижтимоий ҳаётда, фан, санъат соҳасида позитивизмнинг таъсири яққол кўриниб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг II чорагидан бошлаб умумий «ғарбчилик» номи остида ушбу даврдаги энг муҳим бўлган ғарбнинг ҳаёт фалсафаси, сотциал дарвинизм, фрейдизм, прагматизм, позитивизм ва бошқалар Туркия ҳаётига кириб кела бошлади. Ғарб дунёси фалсафа ва социологияга кейинги уч-тўрт аср мобайнида мислсиз эътибор бериб ва ўз ҳаётларини шу фанларнинг ютуқлари асосига қуриб, хайратомуз тараққиётга эришди. Бугунги кунда ҳам янгидан янги тараққиёт йўллари ва имкониятларини очмоқдалар. XX асрга ўтиб эса, дунё манзараси тубдан ўзгарди. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари, сиёсий инқилоблар, фуқоролар уруши зиёлилар ўртасида дунёга ёндошишни ўзгартирди. Энди инсон муаммоси, инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавжудлик масалалари фалсафага бош муаммо сифатида кўтарила бошланди. XX асрда бўлиб ўтган бундай воқеалар турк ижтимоий фикрига ҳам оз тасирини кўрсатди. Ёзувчилар ўртасида реал воқеликни ёзишдан кўра мавжудликни, инсон ҳаётини ва қадрини кўрсатиб беришга ҳаракат кучайди.

2. XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт

Туркияда XX асрда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар, шунингдек, дунёда сўнгги юз йилда рўй берган инқилоб, уруш ва бошқа турдаги халқаро жанжал, воқеа ва ҳодисалар турк ижтимоий фикрига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Жамиятдаги муаммолар ва ўзгаришларга уйғун ва ўша давр муаммоларига асосланувчи асарлар яратила бошланди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг Ёкуб Қадри Қораусмонўгли, Рашод Нури Гунтекин ва Рафиқ Холид Қарай, Туркия мадҳияси муаллифи Меҳмет Акиф Эрсўй, Нажиб Фозил Қисакурак сингари ёзувчилар жамиятдаги муаммоларни ўз асарларида ёритиб бердишга ҳаракат қилдилар. 1940-йилларда Сабоҳиддин Али, Саид Фойик Абасиёник асарларида жамият муаммоларининг шахс ички дунёсига таъсирини ёритишга ҳаракат қилинганини кўриш мумкин. Сабоҳиддин Алининг «Ичимиздаги шайтон» ва «Мўйна пўстинли Мадонна» романларида маданий ўзгаришларнинг жамият турли тоифаларига кўрсатган таъсири психологик таҳлил қилинганини кўришимиз мумкин. Тарик Буғоро, Ўқтой Ақбал, Жавод Шокир Қабаоғочли, Халдун Танер, Жавдат Қудрат ва Самим Хўжакўз каби ёзувчилар ҳам реалистик йўлдан бордилар ва ўз асарларида турк инсонинг ички кечинмалари ва ҳаёт қийинчиликларини ёритиб бердилар²⁴.

1950-йиллардан турк тафаккур тараққиётида мавжудлик фалсафасининг ва сурриализм оқимларининг туташ нуқтаси сифатида «Янгилар» оқими пайдо бўлди. XX асрдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга бўлаётган воқеалар ва жараёнларни тадқиқ эта бошладилар. Аср бошларидаги дунё манзраси уларни ўйлашга, тарихни қайта таҳлил қилиб чиқишга мажбур қилди. Маъносиз бу ҳаётда яшаш ва унда кадр топиш, инсон ички дунёсини кўрсатиб бериш масалалари долзарблик касб этди. Иккинчи жаҳон уруши мавжудлик масаласини

²⁴ Yeni Türkiye yayinlari, Ansiklopedi, cilt.14, Ankara.: 2002 -s.544

кўтарди. Барча инсонлар шу ҳақида ўйлай бошладилар. Хўш, инсон нима учун мавжуд?. Инсон қай томон ҳаракатланмоқда? Яшашдан мақсад нима? Ҳаёт моҳияти аслида нима?, деган саволлар жавобсиз қолмоқда эди.

1960-йилларда Явуз Бюлент Бакилар, Усмон Атилла, Айхан Инал ва бошқалар ижтимоий фикр ривожига ўз асарлари орқали таъсир кўрсата бошладилар. Улар ижодида инсоннинг ўз виждони, жамият олдидаги маъсулияти каби мавзулар ёритилди. Бу даврда ижод қилган Суот Дарвишнинг «Фосфорли Жаврия» романи машҳур бўлди. 70-йилларда кириб келган Четик Алтан, Пинар Кур, Томрис Уяр, Аила Қутли ва бошқалар ижодида психологик таҳлил чуқурлашганлиги кўринади.

1940-1960-йилларга алоқадор бўлган социал реалистлар иккинчи жаҳон уруши келтириб чиқарган сиёсий таназул ҳақида ва капитализмни ёқловчи асарларни ярата бошладилар. Социал реализм ғоялари Нозим Ҳикмат ва Сабоҳиддин Алининг асарларида илк бор намоён бўлади. Бу йўналиш асосида материалистик дунёқараш ётади.

Турк ижтимоий тафаккурида кўзга кўринган ёзувчиларидан бўлган Азиз Несин, асарларида зиддиятларни ва сиёсий қарама-қаршиликларни ёритади. Шунингдек жоҳиллик, иккиюзламаликни, дин, сиёсат ва ананалармиздаги камчилиларни баён қилади.

Шунингдек, бу даврда кўзга кўринган ёзувчиларидан бўлга Камол Тоҳир қарашларида ҳам ўзига хос ёндошувларни кўришимиз мумкин. Камал Тоҳир фикрича, «ўзгарган муносабатлар ўзгаришларни талаб қилади. Догматизм, ўзгараётган вазиятлар қаршисида фикрнинг қотиб қолишидир. Лекин ўзгармас, мутлоқ ҳақиқат йўқдир».

Бу даврда экзистенциал ғояларни илгари сурган файласуфлардан бири Аҳмад Ҳамди Танпинардир. А. Ҳ. Танпинар асарларида аввало инсонни ва унинг ҳаётини кўрсатиб беради ва шахсни жамият ичкарисига олиб киради. Танпинарнинг қаҳрамонлари шахсий ҳаётлари орқали

жамиятда ўз ўрнини топишга чиранишади ва бу йўлда изтироблар чекадилар²⁵.

Аҳмад Ҳамди Танпинарнинг замон ва макон орасида бегоналашув кўринишларини унинг «Махур бесте», «Саҳна ортидагилар», «Хузур», «Ойдаги одам» каби асарларида ифодаланганини кўришимиз мумкин. Абдулҳамид давридан бошланган ва Демократик партиянинг ғалабасигача бўлган даврни ўз ичига олган «Махур бесте» романида Бехчет бей кексайган чоғида, ўлим эшик қоқиб турган пайтда ўткинчи вақтни орқага қайтариш чорасини буюмлардан, соатдан ва китоблардан топишга ҳаракат қилади. Чунки у ҳаётга ташна, инсонга берилган имкониятлардан тарихий вазиятлар туфайли фойдаланаолмади. У кўнглини туб-тубидаги мақсадларини амалга оширмакчи бўлган ҳақиқий ҳаётга энди етиб келганида, кексалик уни ўзига бўйсундирмакчи²⁶. Бу фикрлардан кўринадики инсоннинг ҳаёт мазмуни қанча ёки қай ҳолатда ўтишида эмас, балки, ҳақиқий моҳият ва бахтга эришганида эканлиги келиб чиқади. Инсон ҳаётида ўлим трагедиясини тилга олган Танпинар, шахсни унга етиб боргунча жамият ҳаётига қоришиб яшашини таъкидлайди. Мозий ҳам Танпинарнинг замон ғоясида аҳамиятли ўринга эга. У фақат мозийга шунчаки қайтмайди, балки, ички дунёсида уни гавдалантиради ва бугунга улашади.

Т.Менгушўғлининг «Инсон фалсафаси» асарида инсонни ва унинг мавжудлик масаласини атрофлича таҳлил қилади. Унинг фикрича, инсон жонли мавжудот сифатида моддий ва манавий борлиққа эга бир бутун, биопсихик борлиқдир. Бу биопсихик борлиқ билишга, бажаришга, қадриятарни хис қилишга ва бу қадриятлар йўналтирган ҳаёт тарзига эга мавжудотдир. Замонавий онтология моддий, органик, рухий ва маънавий мавжудлик каби 4 асос борлиқ тоифаларини мавжудлигини таъкидлайди. Моддий борлиқ табақаси-бутун коинотни, органик борлиқ табақаси-барча

²⁵ Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул. 2009. –б. 155

²⁶ Tuncay Imamoğlu. “Ahmet Hamdi Tanpınar’da süreklilik ve değişim” Istanbul. Atatürk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, -B. 131-142

жонжи мавжудотларни, рухий борлиқ табақаси ёлғиз инсон онгини қамраб олади. Маънавий борлиқ табақаси эса маданият дунёси сифатида қабул қилинган борлиқдур. Инсон бунёдкор ва фаол бўлган бир борлиқдур. Инсон турли ҳаётӣй вазиятларда, ҳолатларда, ҳаётӣй муносабатларда ҳар доим муаммолар ичида бўлади. Яшайолиш учун улар билан ҳисоблашиш, улардан омон чиқаолиш керак. Камол Тоҳирнинг «Забт этилган шаҳар маҳбуси» номли асарида юқоридаги фикрлар баён қилинган эди.

Инсон ҳақиқатга айлантирмқчи, рўёбга чиқармоқчи бўлган мақсадларини режалаштириб, уларни аҳамиятига қараб, кетма-кетликда жойлаштириши ва амалга оширишга ҳаракати ундаги қадрият ва қадрига етиш тушунчаси билан боғлиқ. Инсонда сон саноксиз мақсадларини натижа сари йўналтирувчи уч қадрият тури мавжуд:

1. Юксак қадрият
2. Мақсадга элтувчи қадрият
3. Муносабатлардаги қадрият

Камол Тоҳирнинг «Забт этилган шаҳар маҳбуси» номли асари қаҳрамони Комилбейнинг ҳаёти давомида 3 қадрият тури билан қарама қарши келиши айтилади. Қамокҳонада бир бирларини унчалик яхши танимайдиган инсонлар, ҳар хил маданий савияда бўлган маҳбуслар билан ўзаро муносабатга киришадилар. Бундай муносабатлар қамокдаги овқатланиш, яшаш, суҳбатлашиш ҳолатларида юзага чиқади. Комилбей тушунадики, баъзилар бирор мақсадга эришиш учун қадрият туйғусини ўзида намоён қилади. Шунингдек, ўзидаги милатчилик, ватанпарварлик каби қадриятларни бир четга суриб, мақсад сари етакловчи, мақсадга элтишда восита бўлган қадриятлардан фойдаланилаётганлигини айтади, Комил бей²⁷. Чунки юксак қадриятлар замирида мақсад бўлмаслиги керак, ундан фойдаланмаслик керак. Юксак қадриятларни барча ардоқлаши, қадрлаши шарт. У восита бўлмаслиги керак. Асарда қамокҳонага Комилбейни кўриш учун келиб турадиган Фотима Ҳонимнинг

²⁷ Kemal Tahir «Esir Şehrin Mahpusu», İstanbul: Adam Yayınları. 1993. –s 78

ҳислатларидан Комилбей юксак қадриятларни тушуниб етади. Инсонга ҳос тўғрилиқ, ватанпарварлик ва фидокорлик ҳислатларини унда кўради. Лекин, Камал Тоҳир юксак қадриятларни ҳам мутлоқлаштирмаслик кераклигини айтади. Чунки инсон ватанпарвар, фидокор бўлиши учун ҳаёт бўлиши керак. Ҳаётга эса мақсад йўлидаги қадриятлардан фойдаланмасикни иложи йўқ.

1980-йиллардаги жамиятда сиёсатдан бегонасираш кайфиятлари кучайиши ижтимоий фикрга ҳам таъсир ўтказди. Бу даврда Ўрхон Памук асарлари эътибор қозонди. Сўнгги йилларда Надим Гурсел, Муродхон Мунган, Парихон Майден ва Элиф Шафақ олдинги сафда туриб ижод қилмоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, XX аср Туркия фалсафий фикр ривожини бирқанча ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орқали ранг-баранглик касб этди. Бу жараёнлар жамиятда кўплаб оқимларни шакллантирди. Буларга янгилар оқими, социал реализм, экзистенциализм, позитивизмни киритишимиз мумкин. 1940-1960-йиллардаги сиёсий жараёнлар социал реалистларга кучли таъсир кўрсатди. Уларда жамиятдаги ҳақиқий ҳаётни кўрсатиб беришга ҳаракат кучайди. Инсон ва унинг ички кечинмаларини ёритиб бериш биринчи ўринга чиқди. Баъзилар эса сиёсий жараёнлар таъсирида умуман жамиятдан узоқлашдилар ва қишлоқ ҳаётини ва ундаги инсонлар қадрини кўрсатиб берувчи асарларни ёза бошладилар.

1960-йилларга келиб эса, экзистенциализм ғоялари кириб кела бошлади. Ғарб таъсирида вижудга келган бу йўналиш Туркияда 1960-йилларда бўлган сиёсий инқилоблар натижасида жамият руҳиятига уйғунлик касб этди. Ёзувчилар жамиятдаги тушқунликни, инсонларда вижудга келган бегоналашув ҳолатини ёритишга ҳаётанга қила бошладилар. Кейинги йилларда эса, сиёсий жараёнлар натижасида ёзувчилар орасида ва уларнинг асарларида сиёсатдан бегоналашув ва ёлғизлик ғоялари илгари сурилди.

I боб бўйича хулоса

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни тадқиқ қилиш натижасида қуйдагича хулосаларга келдик:

-XIX асрнинг охирида Туркия ярим мустамлака ҳолатига тушиб қолди. Бундай вазиятда «Ёш турклар» фаол ҳаракат олиб боради. Уларнинг мақсади халқни султон зулмидан ва мустамлакачилар таъсиридан озод қилиш эди. Натижада иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий танг ахволдан чиқиш учун давлатда 1839-йилдан Танзимат ислоҳатлари ўтказила бошланди.

-Бу даврда маърифий қолоқлик, ижтимоий фикрда ҳамжиҳатликнинг йўқлиги туфайли ғарб фалсафаси, мафкураси, маданияти ҳеч қандай қаршиликсиз кириб кела бошлади. Танзимат илғорлари ғарбнинг тезлик билан ривожланиш сабабларини ўрганиб, мамлакатдаги ва халқ ҳаётидаги тангликни бартараф қилишда ундан фойдалана бошладилар. Натижада, Туркия ғарбнинг иқтисодий, техникавий, сиёсий ва маданий хусусиятларини ўзлаштира бошлади.

-Ғарблашиш ҳаракати натижасида Туркия иқтисодий инқироздан чиқди. Сиёсий тузумга ҳам ғарбча моделни тадбиқ қилди. Турк ижтимоий тафаккурида ғарблашишни, умуман, ташқи сиёсатни қораловчи фикрлар, ёки, аксинча, ёқловчи фикр билдирувчилар кўпайди. Бундай қарама-қаршилик XX асрнинг иккинчи ярмида ҳам давом этди.

-Бу даврда, турк фалсафий фикр ривожига эътибор қаратсак, спиритуализм, материализм, позитивизм каби йўналишларни кучли таъсирга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишлар Турк фалсафий фикрига Ғарблашиш ҳаракатлари натижасида кириб келди. Бу йўналишлар ичида позитивизм турк маданий муҳитига ва ижтимоий ҳаётга кучли таъсир кўрсатди. Чунки, позитивизм фалсафаси таъсирида ғарбона маданият, тафаккур ва ижтимоий фикр шаклланди. Натижада, XIX асрнинг охирларида ғарбчилик таъсирида ҳаёт фалсафаси, социал дарвинизм,

прагматизм, позитивизм ва бошқалар Туркия фалсафий тафаккурига кириб кела бошлади.

-XX асрга ўтиб, Туркия фалсафий тафаккури бир қанча ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орқали ранг-баранглик касб этди. Янги йўналишлар шаклланди. Буларга социал реализм, экзистенциализм ва постпозитивизм каби йўналишларни мисол қилишимиз мумкин.

-XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияга экзистенциализм фалсафаси кириб келди. Сабаби, иккинчи жаҳон уруши ва 60-йиллардаги сиёсий инқилоб жамият руҳиятини экзистенциал ғояларга боғлаб қўйди. Юсуф Атилген, Ферит Эдгу, Сабаҳиддин Али, Демир Ўзлу каби экзистенциал ғояларни илгари сурувчи ёзувчилар етишиб чиқди.

II боб. XX аср Ғарб фалсафий оқимларининг Туркия фалсафий фикр ривожига таъсири

1. Туркияга Экзистенциализм фалсафасининг кириб келиши ва дастлабки таъсирлари

Ғарб дунёсининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўзига хос ҳаёт тарзи ва муаммоларига ечим сифатида вижудга келган экзистенциализм фалсафаси Туркияга 1950-йилларда кириб кела бошлади. Натижада мамлакатда экзистенциализмга алоқадор асарлар пайдо бўлди. «Таржима» журналида Ж.П.Сартрнинг «Экзистенциализм бу гуманизмдур» номли асарини чоп этилиши бу йўналишдаги биринчи қадамлардандир. Шунингдек, Ҳилмий Зиё Улкеннинг «Истанбул» журналида ёзган мавжудлик ҳақидаги фикрлари ғарб экзистенциализмининг турк ижтимоий тафаккурига таъсир кўрсатганлиги келиб чиқади²⁸.

Ўша пайтларда «Мовий ҳаракати»ни вужудга келтирган «Мовий» журнали экзистенциал фикрлайдиган ёзувчиларни бир ерга жамлади ва уларнинг фикрларини ўз журналида бирин кетин босиб чиқара бошлади. Бундай ёзувчилар қаторига Гунер Сунер, Ферит Эдгу, Аҳмет Октай, Орхан

²⁸ Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул. 2009. –б. 153

Дуру, Демир Ўзлу кабиларни киритишимиз мумкин²⁹. Улар Атилла Илҳан бошчилигида социал реализм ғояларини ҳимоя қилсалар ҳам асарлари экзистенциал ғоялар томон оғиб кета бошлаган эди.

Мисол учун, Демир Ўзлу, Ж.П.Сартр экзистенциализмининг таъсири натижасида, шахс ва унинг инқирозини, тушкунликни ифодаловчи «Тушкунлик» асарини чоп эттиради. Атилла Илҳон эса, «Мовий» журналида чоп этилган «Соҳта пайғамбар. Жан Пол Сартр» мақоласи ҳам мавжудлик фалсафасининг кенг ёйила бошлаганидан дарак беради.

Шунингдек «Мовий» журналида Аҳмет Октайнинг қуйдаги фикрлар босиб чиқарилади. «Барча ворисларимиз бу ерга янги бир сўз маъносини (экзистенциализм) тушуниш мақсадида тўпландилар. Бош муаммомиз шудир: Янги бир йўлга, янги бир тузумга ва янги бир ҳаёт тарзига талаб кучаймоқда»³⁰.

1950-йилларда социал реализм оқими ғояларига қарши экзистенциализм вакиллари, шахснинг ички кечинмаларини, ҳаёт ва ахлоқий масалаларнинг долзарблигини илгари сура бошлади. Журналнинг 16-сонини «Мавжудлик (Existence) файласуфлари ва Экзистенциализм» номли махсус сон сифатида нашр этилиши экзистенциализм ғояларининг жамиятда тортишувларга учрашига сабаб бўлди. Тортишувлар билан биргаликда йўналишга алоқадор китоблар ҳам туркчага таржима қилина бошланди. Бу жараён 1950-йилларда кучайиши ва 1960-1970-йилларда йўналишга алоқадор қарийб барча китоблар туркчага таржима қилинди. Бундай асарлар таъсирида турк ижтимоий тафаккурида ўзгаришлар пайдо бўла бошлади ва 1950-йиллардан инсоннинг мавжудлиги масаласига бағишланган асарлар ёзила бошланди. Шу ўринда «Ғариб» ҳаракатини ҳам унутмаслик керак. Чунки, биринчилардан бўлиб уларда, ҳаётга ва дунёга ёндошишларида ўзгаришлар содир бўла бошлаган эди.

²⁹ Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул. 2009. –б. 154

³⁰ Ўша асар –б. 154

Ананалар ва жамият эга бўлган қадриятлар тизими, урф-одатлар ва биз ишонган ғоялар билан қайта ҳисоблашиш мажбурияти 1940-йилларнинг охири ва 1950-йилларнинг бошларида вужудга келган экзистенциализм ғояларида намоён бўла бошлади. Саит Фойиқнинг «Оламтоғдаги илон» ва Аҳмад Ҳамди Тапинарнинг «Абдуллоҳ Афандининг рўёлари» номли асарларида ўзгарган, ёлғиз қолган, тушкун, ўз-ўзидан ва жамиятдан ўч олмоқчи бўлган шахснинг рухиятида вужудга келган ҳиссиётлар, фикрлар ифода этилади. Шариф Акташ бу ҳолатга «модерн ҳаёт яратган техник имкониятлар, бегоналашув ва тушкунлик инсонларни ўзлигига инсон сифатида қайтиш ғайратини берди»³¹, дея таъриф беради.

Экзистенциал фалсафа ва модернизмни биргаликда қаршилаган инсоният, шахснинг ҳаётда ёлғиз яшаётгани тушуниши, уни қадриятлар системасининг бир парчаси эканлигини англаши ва шу қадриятларнинг ҳамда ишончларнинг парчаланиши натижасида нигилизмга тушиб қолиши буюк бир инқирозни вижудга келтирди, дейди Демир Ўзлу³². «Нигилизм»-эски ананаларга қарши чиқиш, қадриятларни масхараланиш каби қарашларни ўзида жамловчи тушкун жараёндир. Бу янги йўл замонавий ғояларни тушуниб олишимизга йўл очади. Усманийлар фалсафаси ҳозирги кун фикрини, фалсафасини тушунаолмайди. Саит Фойиқ ўзининг «Оламтоғдаги илон» номли китобида олдимизда қолиплашиб қолган рационализмни йиқитди, бизга тушунишни, шахсни, яратиш йўлларини кўрсатиб берди. Вайроналикни авлодлармизга муносиб кўрмоқдамиз, бизнинг ворисларимиз биргаликда бир нигилизмдан йўлга чиққанлари учун янги яшаш тарзи вужудга келмоқда³³.

Экзистенциализмнинг Туркияга таъсири ва оқибатлари 1950 ва 60-йиллардаги тарихий вазият ва инсонларда вужудга келган руҳий ҳолат

³¹Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул. 2009. –б. 155

³²Ўша асар –б. 154

³³Ўша асар –б. 154

билан боғлиқ. 1960-йилнинг майида амала оширилган давлат тўнтариши кутилган ижтимоий натижаларга олиб келмади. Бу воқеалар кичик буржуа зиёлилари орасида норозиликка сабаб бўлди. Бу ҳолат уларнинг экзистенциал ва Фрейдча фикрларга қизиқишни орттирди.

Аҳмед Октай экзистенциализм фалсафаси ҳақида фикр юритганда, экзистенциализмни ёйилишига жамиятда билимнинг етишаслигини сабаб қилиб кўрсатса ҳам, давр руҳининг экзистенциал ғояларга боғланиб қолганлигини ва бу ғоялар шу давр учун зарурий эканлигини таъкидлайди³⁴.

Туркия экзистенциализм фалсафасининг яна бир вакили Аҳмад Ҳамди Тапинарнинг асарларида Паскалдан тортиб, Хайдегер, Ясперс, Керкигор, Г.Марсел, Ницше, А. Камю, Ж.П. Сартр, Ф. Кафка ва Испан ёзувчи Унамуно каби кўплаб экзистенциалистлардан мисоллар келтиради. Шунингдек, Саит Фойик, Вусат Бенер ва Билге Карасу, Юсуф Атилген ва Таҳсин Южел қарашларида экзистенциал ғоялар ифодалана бошланди.

Томрис Уярнинг экзистенциализм фалсафасига берган таърифида шундай сўзлар бор эди. «Тушкунлик, фалсафанинг етиб борган сўнги ҳулосасидир. Балки, қочиб-кутилолмас натижасидир. Материалистик фалсафанинг танқидга учраши натижасида, унинг ўрнига қандайдир фалсафа келиши ва инсонлага ишонч бағишлаши керак эди. Экзистенциализмнинг ёйилиши фалсафани янги поғонага олиб чиқди. Тушкунлик-қунимизга жуда ҳам хос бир туйғудир»³⁵. Демир Ўзлунинг 1958-йилда нашр эттирган «Тушкунлик» романида ҳам мавжудлик масалаларини ёритишга ҳаракат қилган. Ферит Эдгунинг «Қочоқлар» ва «Хароба» номли илк асарларида ҳам экзистенциал ғоялар ифодаланган эди. Бу асарлада тушкунлик руҳи ва умидсизлик сезилади. Шунингдек, «Возкечилган одам» номли асарида ҳам ҳудди шундай ғоялар ифодалаган. Турк файласуфларига Ж.П.Сартр ва А.Камю ғоялари таъсир кўрсатган

³⁴Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул. 2009. –б. 160

³⁵ Ўша асар –б. 160.

бўлса, Ғарб экзистенциалистларига ўтган аср ёзувчилари, асосан Достоевский ва Ф.Кафканинг таъсири бўланигини кўршимиз мумкин³⁶.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Аҳмад Тапинарнинг «Ҳузур» номли романида экзистенциал ғоялар ифодаланган. Суний кадриятлар билан амалдаги кадриятлар тўқнашуви ҳикоя қилинувчи бу роман экзистенциал фалсафага мисол бўлаолиши ва асарда ифодаланган шахснинг ҳаётидаги иккиланиш жараёни экзистенциал фалсафанинг асосий тушунчаларидан бири эканлиги келиб чиқади. Танпинарнинг экзистенциал фикрлари кўпроқ Достоевский ва Ж.П.Сарт ғояларига ўхшаб кетади. Асарни баъзи жойларида Ф.Ницшедан мисолар келтиради. Шу сабабли Аҳмад Ҳамди Танпинарнинг «Ҳузур» романи экзистенциал фалсафа билан тўғридан-тўғри алоқа боғлайди. Бу роман Ғарб файласуфлари таъсирида ёзилган бўлса ҳам Туркиядаги биринчи экзистенциал романдир. Асар қаҳрамони Саитнинг фикрларидан, ўз ҳаётий ишончларининг парчаланиши, тушкунлиги келиб чиқади. Ёзувчи асар қаҳрамони орқали «Мен учун худо ўлган. Мен озодликни татияпман. Мен худони ўзимда ўлдирдим», деган фикрни илгари суради. Танпинар фикрича, кадриятлар тўқнашуви инсонни камраб олган икки кутбнинг тўқнашувидир. Асар турк зиёлисининг хузурсиз ҳаёти ҳақида. Унда ананаларнинг бузилиши, ғарб кадриятларининг кириб келиши ва жамиятга қоришиб кетиши натижасида боши берк кўчага кириб қолган ҳаёт ифодаланади.

А.Танпинар илгари сурган бундай ғоялар 1950-йиллардан кейин бирқанча ёзувчиларда турли шаклларда намоён бўла бошлади. Туркиядаги ва Ғарбдаги барча оқимларнинг ғоялари бу даврда умумий маънода пессимистлик сифатида баҳоланди. Бу даврдаги асарларда пессимистлик руҳи аниқ сезилади. Инсоннинг боши берк ҳаёти учун ўлим, суиқасд ва ичкилик қутилиш йўли сифатида кўрилади.

³⁶Курт, Мустафо «Экзистенциализмнинг Туркия фалсафасига кириб келиши ва дастлабки таъсирлари». Истанбул.: 2009. –б. 161

60-70-йиллардаги сиёсий вазиятлар, ёшларнинг илмий ва манавий савиясидаги ўзгаришлар, кескинлашган мафкуравий курашлар бу даврда бахс юритилаётган муаммоларнинг аҳамияти йўқлигини ва ечимга эга эмаслигини кўрсатиб берди. Жамият ва шахс муносабатлари, инсонни ички кечинмалари ва ҳаётини кўрсатиб бериш бош мавзуга айланди. Ҳаётда эса бегоналашув бошланди. Экзистенциал файласуфлар томонидан бегоналашув ғояси ўз асарларида кўрсатиб берилла бошланди.

Экзистенциализм фалсафасидаги бегоналашув тушунчаси, дастлаб теологияда вужудга келади ва кейинчалик фалсафа ўрганадан тушунчага айланади. Гегел фалсафасига кўра айрилиш ва яккалашиш шаклида ифодаланади. Материалистик фалсафада эса бегоналашув ғояси ишлаб чиқариш жараёни орқали кўрсатиб берилади. Ҳайдегер томонидан бегоналашув ғояси «дас манн» тушунчаси орқали ёритилади. «Дас манн» тушунчаси «инсонни ўз мавжулигидан қочишини, ўзини унутишини кўрсатиб берувчи ноодатий ҳаёт тарзи» ни англатади. XX аср Турк ёзувчиси Аҳмад Ҳамди Танпинар асарларида экзистенциал фалсафадаги бегоналашув ғоясини баъзи шакллари кўришимиз мумкин. Унинг «Ҳузур», «Ойдаги одам» каби асарларида мавжудлик фалсафасидаги бегоналашув ғояси ва жамиятдаги тушкунлик ҳолатлари кўрсатиб берилган³⁷.

Аҳмад Ҳамди Танпинарнинг ёшлигига назар ташласак, болалик ва ўсмирлик йиллари императорлик даврининг оғир йилларига тўғри келади. Янги давлатнинг бунёд бўлишига, ғарблашиш ҳаракатига ва унинг жамиятга кўрсатаётган таъсирларига гувоҳ бўлади. Фалсафада Шопенгауер ва Ницшени ўқиган Танпинар, Фрейд ва Бергсон асарлари орқали ифодаланган онг ости, макон ва замон, ҳаёт масалаларини ўрганади. У ғарблашиш ҳаракатлари натижасида ғарб маданиятининг Туркияга кириб келиши ва салбий таъсирларни, шунингдек, дунё бошидан

³⁷ Tuncay Imamoğlu. «Ahmet Hamdi Tanpinarda süreklilik ve değişim» İstanbul: Atatürk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, -s. 132

ўтказган икки жаҳон урушини ва унинг оқибатларини кўради. Шунинг учун ҳам унинг асарларида ифодаланган тушкунлик ва бегоналашув ғояси миллий ўзгаришлар, кадриятлар кадрсизланиши, ўзликни йўқотиш шаклида намоён бўлади.

Танпинарнинг «Хузур» романи Мишел Буторнинг «Ўзгариш» романи каби 24 соатлик муддат ичидаги воқеликни қамраб олади. Аниқроғи, иккинчи жаҳон уруши бошланишидан олдинги бир кунни. Асар уруш бошланганлиги ҳақидаги хабар билан тугалланади. Танпинарнинг бу романидаги вақт тушунчаси ва уни атрофида ифодаланган ғоялар, ўша пайтдаги маданиятлар инқирозига асосланади. Биринчи жаҳон уруши асоратлари тугамасдан иккинчи жаҳон урушининг бошланиши асар қаҳрамонларда мозийдан нажот топишга уриниш ечим сифатида келтирилади³⁸. Вақтни ўз измига бўйсундириш ғоялари ифодаланади. Ёзувчи ўша пайтлардаги бўшлиқ ичида қолган ва парчаланган ҳаётни кўрсатиб беради.

Аҳмад Ҳамди Танпинар инсоннинг замондаги бегоналашувини турк жамиятининг маданият инқирозиди (ғарблашиш ва бошқалар) ва ғарблашишни ижтимоий ва маданий ҳаётга қорсатаётган салбий таъсирда кўради.

Танпинар фикрича, ўтмиш билан бугунги кунни боғловчи ришталарни узилиши ва кеча билан бугунни зидлиги инсонни яшаётган замонда бегоналаштиради. Аجدодларимиз, замонига соҳиб инсонлар эди, фақат модерн ҳаёт бу тартибни бузди. Шунинг учун ҳам, «Хузур» романида янгидан ўз замонига эга бўлиш ғояси ифодаланади. Ўлим, тақдир ва замон трагедияларини изоҳлашда Тапинарга мадери дунё ёзувчуларини ва Иккинчи жаҳон урушининг таъсири катта бўлди.

Туркияда экзистенциал қарашларни илгари сурган яна бир турк ёзувчиси Юсуф Атилген ҳисобланади. 1950-йилларнинг машҳур

³⁸ Tuncay Imamoğlu. «Ahmet Hamdi Tanpinarda süreklilik ve değişim», İstanbul. Atatürk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, -s.131

ёзувчиларидан бўлган ушбу ёзувчининг асарларида ёлғизлик, бегоналашув гоёлари, шунингдек, инсоннинг ички кечинмалари кўрсатиб берилади. Юсуф Атилгеннинг мавжудлик фалсафасига алоқадор романи «Ёввойи табиатли одам» ҳисобланиб, унда бош қаҳрамон С.,нинг маъносиз ва тушкун, жамиятдан бегоналашган ҳаёт йўли баён қилинади³⁹. Асар қаҳрамонига С, деб исм қўйишига сабаб модерн дунёнинг инсони шахс сифатида яшамокда, шахс сифатида мавжудлигини давом эттирмоқда, шунчаки мавжуд ҳолос. Ким эканлиги, нима эканлигини ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган, ҳатто исмини ҳам маъноси йўқ қандайдир бир борлиқдир. Бошқа томондан Юсуф Атилген Франс Кафка асарларидан илҳомланган бўлиши мумкин. Замонавий турк файласуфларидан яна бир Ҳилмий Зиё Улкен ҳам инсон масаласига бирмунча ўзига ҳос тарзда яъни, диний ёндошади. У инсоннинг мавжудлигини ёки бегоналашувини ундаги иймон кучига боғлайди. Шунинг учун у «инсон инкор этганлиги учун эмас, балки қабул қилганлиги учун ҳам буюқдир» деган фикрни илгари суради. Агар ўз вақтида қадриятлар маъсулиятини «ҳа» дея қабул қилаолганимизда эди, ҳозир уларни инкор қилиб, синдириб ташлашга ҳожат бўлмасди, дейди⁴⁰. Ҳилмий Зиё Улкен фикрича, миллат тақдири, қадриятлар, урф-одатлар, ананаларнинг ҳаётийлиги, барқарорлиги инсонлардаги маъсулият ва жавобгарлик ҳисси билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир инсон келажак авлодлар олдидаги маъсулиятни хис қилса, жамиятда ҳеч қандай миллий ўзгаришлар ва инқироз бўлмас эди. Қадриятларни йўқолиб бориши миллатни таназзулга учратади ва жамиятда инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашishiга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Экзистенциализм фалсафаси ғарбда иккинчи жаҳон уруши натижасида вужудга келганига қарамай, тезлик билан бошқа минтақаларда ҳам кенг ёйилди. 1960-йилларга келиб экзистенциализм фалсафаси Туркияга кириб келди ва бу йўналишга алоқадор дастлабки

³⁹ Demiralp, O. «Bir ayrıntının ardında». Kitaplık. 2000. (Mayıs Haziran) -s. 88-92

⁴⁰ Hilmi Ziya Ülken, «Eski ve Modern Çağ Felsefe Tarihi». İstanbul.: 1966, -s.797

асарлар яратила бошланди. Ферит Эдгу, Аҳмад Ҳамди Танпинар, Юсуф Атилген, Ҳилмий Зиё Улкенлар экзистенциал ғоялар ифодаланган асарлар яратдилар.

Дастлаб, Экзистенциалист файласуфлар ва уларнинг асарлари туркчага таржима қилиниши натижасида, бу йўналишга қизиқиш уйғона бошлади. Ижтимоий жараёнлар ва ҳаракатлар жамиятдаги муҳитни экзистенциал ғояларга боғлиқ эканлиги юзага чиқарди. Натижада, Турк адабиётида ҳам экзистенциал ғоялар ифодаланган асарлар ёзила бошланди. Бунга мисол сифатида Демир Ўзлунинг «Тушкунлик» асарини келтиришимиз мумкин. Реал воқеликни ёритишдан кўра инсон мавжудлигини ва инсоннинг ҳаётдаги ўрнини ёритиб бериш кучайди. Чунки, 1960-йилларда Туркияда бўлган сайловлар ва унинг натижасида келиб чиққан инқилоб турк фалсафий тафаккурига таъсир кўрсатди. Бу даврда, иқтисодий ва ижтимоий вазият ҳам асарларда экзистенциал ғоялар ифодаланишига туртки бўлди. Иқтисодий тушкунлик, давлат қарзларининг кўплиги ишсизлик, кўплаб туркларни ишлаш мақсадида мамлакатни тарк этиши натижасида жамиятда тушкунлик ҳолати вужудга келди. Шунингдек, жамият ҳаётида ғарблашиш ҳаракатини кучайиб кетиши ва бу жараёни турк миллатининг миллий хусусиятига кўрсатган салбий таъсирлари натижасида ёзувчилар ўртасида ҳаётдан бегоналашган, ёлғиз инсонни тасвирлаш ва ёритиб бериш кучайди. Бунга мисол сифатида, Аҳмад Ҳамди Танпинарнинг «Ҳузур» романини ва Камол Тоҳирнинг «Забт этилган шаҳар маҳбуси» номли асарларини келтиришимиз мумкин. Шундай экан, экзистенциал ғоялар албатта жамият ҳаётидан ва муаммоларидан униб чиқиб, асл ҳаёт моҳиятини кўрсатиб беришни мақсад қилган эди. Турк адабиётида ҳам жамиятдаги муаммолардан таъсирланиб мавжудлик фалсафасига доир бирқанча асарларни яратилганини кўришимиз мумкин.

2. Юсуф Атилген ва Ҳилмий Зиё Улкен қарашларида инсон ва унинг мавжудлиги масаласи

Яни жамиятда инсоннинг ўрни, инсон моҳияти, мавжудлик масаласи каби муаммоларни ўрганиш бошланди. XX асрга келиб турк ижтимоий тафаккурида ҳам инсон муаммоси, ва мавжудлик масалалари кўтарила бошланди. Замонавий турк фалсафасининг йирик вакилларида бўлган Юсуф Атилген ва Ҳилмий Зиё Улкен қарашларида ҳам ҳозирги замоннинг долзарб масалалари бўлмиш инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, инсон қадри ҳамда бегоналашув ғоялари намоён бўла бошлади. Юсуф Атилген, Республика даври турк ижтимоий тафаккурига муносиб таъсир кўрсатган шахслардан биридир. Юсуф

Атилген иккинчи жаҳон уруши йилларида университетда ўқийди⁴¹. Бу даврда у талабалар орасида фашизмга қарши фикрлари билан ном чиқарганди. Турк комунист партиясига аъзо бўлиб, Ёшлар ҳаракати ичида фаолият кўрсатади. Комунист партиядаги фаолияти натижасида Истанбул суди томонидан жавобгарликка тортилади ва 10 ой қамоқхонада ётади. 1946-йил қамоқхонадан чиққандан сўнг Маниса Ҳажирахманлига, ота-онаси олдида қайтади. «Ёввойи табиатли одам» ва «Онаюрт меҳмонхонаси» романлари билан танилган Атилген қарашларида модернизм ва экзистенциализмга ҳамоҳанглик сезилади. 1950-йилларнинг машҳур ёзувчиларидан бўлган Юсуф Атилген асарларида ёлғизлик, бегоналашув, тушкун ҳаёт, инсон ва мавжудлик масалалар ёритилади. «Ёввойи табиатли одам» романининг бош қаҳрамони бўлган С., отасидан қолган мероси орқасидан ҳаёт кечирилади ва кун ўтказилади. Лекин манавий томондан бошлиқ ичида яшайди. С., болалигидан онг остида ўрнашиб қолган баъзи кўрқувлар, орзулар ва безовталиклар ичида яшаётган, ёлғизлик туйғуси билан тўла, ўз мавжудлигини яратишга ҳаракат қилаётган инсондир. С., учун кинотеатр ўтмишга, онг остига дават этувчи бир восита сифатида тарифланиши ҳам уни ёлғизлик ичида қолганлигин келтириб чиқаради⁴².

Болалигида отасининг ҳукмронлиги, тазийқлари остида яшаган С., психоанализда аҳамиятли унсур бўлган «Ота синдроми»нинг изларини ва таъсирларини ҳаёти давомида ҳис қилади. Зигмунд Фрейднинг «Достоевский ва ота қотиллиги» номли асарида Достоевскийнинг болалигида отасининг ўлимини исташи, ҳасталиги ва бошқалар ҳақида баҳс юритади. Ўғил бола онасига эришиш орзуси, онасининг аслида отасига тегишли эканлигини тушуниши жараёнигача давом этади. Бу даврда бола қайсидир маънода отасининг унга рақиб эканлигини ҳис қилади. Кейинроқ эса, бола онасига эга чиқаолмаслигини тушунгандан

⁴¹ Mustafa Karabulut «Yusuf Atilgan'in «aylak adam» romanında anlatım teknikleri» Ankara. 2012, -s.1375-1387

⁴² Ertürk İ. «Yusuf Atılğanın sinema salonlarında bir gezinti». Anqara.: 2000. -s.76

кейин, ўз қизиқишларини ўйинчоқларга, нарсаларга, улғайгач эса қизларга қаратади. Асар қаҳрамони С., тафаккурида ёшлигида онасининг ўлими, отасининг бузуқ ҳаёти ўрнашиб қолади. Ҳеч қачон отасидай бўлмаслик фикри билан яшайди⁴³. «Ёввойи табиатли одам» асарида С., қарама-қарши фикрлар ва шубҳалар остида яшайди. Ёзувчи асар қаҳрамонига С., дея ном қўяди. Сабаби, А. Камю, Ж.П.Сарт ҳамда Франс Кафка каби экзистенциалистларнинг таъсири сезилади. Ёзувчи асар қаҳрамонининг ўз исмини С., сифатида қўллашига ўтмишини эсламаслик, ўтмишидан қониқмаслик, ҳаётий тушкунликни сабаб қилиб кўрсатади. Модерн дунёнинг инсонни шахс сифатида яшамоқда, шахс сифатида мавжудлигини давом эттирмоқда, шунчаки мавжуд ҳолос. Ким эканлиги, нима эканлигини ҳеч аҳамияти бўлмаган, ҳатто исмининг ҳам маъноси йўқ қандайдир инсондир⁴⁴. Юсуф Атилген асрларида инсонни ҳам ўзидан, ҳам жамиятдан бегоналашув масалалари кўтарилади. Инсонларнинг мақсадларини, ҳаётини тушкун ҳолатга келтирган давр ҳақида ёзади. Замонавий шаҳар ва унда яшовчи индивиднинг бегоналашуви, тушкунлигини, Туркияда вижудга кела бошлаган ўрта синфнинг муаммолари сифатида кўтарилади. Чунки 50-70 йилларда бўлган сиёсий воқеалар, давлат тўнтариши, иқтисодий инқироз инсонларни боши берк кўчага олиб кирганди. Ёввойи табиатли одам танглик ичида қолган, нима қиларини билмай, «маъносиз» яшаётган инсон фожеасидир. Асардаги асосий ғоя «қаерда яшаса яшасин, бу дунёда яшаётган инсон учун қутулиш, озод бўлиш йўли йўқ⁴⁵». Лекин Юсуф Атилген Анадолли ҳаёт тарзида муҳофазакор кучни кўради. «Ёввойи табиатли одам» романида «ҳеч топаолмаётган ҳақиқий севгиси орқасидан, кинога, қаҳваҳоналарга, майҳоналарга қатнайди, кўчаларни кезади⁴⁶». Жамиятдаги қадриятларнинг иккиюзлигини, соҳталигини кўрган қаҳрамон оламон ичида ёлғиз қолади.

⁴³ Freud, S., «Dostoyevskive Baba Katli». Sanat ve Sanatçılar. Ankara.: 1995. –s. 48

⁴⁴ Mustafa Karabulut «Yusuf Aatilgan'ın Aylak adam romanında anlatım teknikleri» Ankara. 2012, –s. 1375-1387

⁴⁵ Ko1cu, A. İ. «Yusuf Atılğan'ın Roman Dünyası» İstanbul:2002. –s.24

⁴⁶ Ertürk, İ, «Yusuf Atılğanın Sinema Salonlarında Bir Gezinti». Anqara.-2000 –s.56

«Ёввойи табиатли одам» да С., нинг бир йил давомида бошдан кечирган ҳаёти ҳикоя қилинади. Китоб тўрт қисмга айрилган ва ҳар бўлимида С.,нинг ҳаёт йўли ҳикоя қилинади. Отасидан қолган мерос ҳисобли ишламай яшайди ва кунларини китоб ўқиб, қаҳваҳоналрада, кинотеатрларда, барларда ўтказади. С., жамиятга аралашмайдиган, ундан ажралиб қолган, икки кишидан ташкил топган жамиятни энг яхши эналигини тушунган ва шу йўлда ҳақиқий севгисини қидирган, сиқилган, бахтсиз ва безовта бир инсондир.

Ҳўш С., ни ёввойи одам қилган сабаблар нима? Биринчиси унинг отаси бўлиб, отасининг маънавий бузуқ ҳаёти ва у қолдирган хотиралар С.,нинг ўзини топишидаги тўсиқдир. С.,ниг энг кадрли инсони бўлган Зухра ҳоласи билан отасининг ишқий муносабати, унда тушкунликни, ҳаётида маъносизликни келтириб чиқаради.

Ўзини ёввойи сифатида таърифласада, С., аслида бу ёввойиликни ҳеч нарса қилмасдан, фаровон ҳаёт кечиришга унчалик қизиқмайдиган, яшаётган шаҳарнинг кўчаларида мақсадсиз кезучи инсондир. 1957-йилда илк бор нашр қилинган асар танқидга учрайди. Сабаби, ёзувчи асар қаҳрамони орқали «жамиятдаги шартлар ва қоидалардан возкечиб, шахсни бегоналашиб бораётганлигини» кўрсатиб беради⁴⁷. Асарни кунимиз учун аҳамиятини оширган сабаб ҳам шу эди.

Ёзувчи асарда қаҳрамоннинг ўз ҳаётини нега ўзи хоҳлагандек кураолмаганини ва эркин бўлолмаганлигига жамиятдаги ахлоқий бузуқликни, ижтимоий шартларни ва сиёсий жараёнларни сабаб қилиб кўрсатади.

Ёзувчининг С., ва Забаржад ҳарактерлари экзистенциализм ва психоанализга, Жейм Жойле, Уилям Фолкнердан замонавий жаҳон адабиётигача боғланган кенг қамровли асар сифатида баҳоланди. Мисол учун «Онаюрт меҳмонхонаси» асарида Уилям Фолкнернинг таъсири

⁴⁷ Atılgan Y. «Aylak Adam». Yapı Kredi Yayınları. İstanbul.: 2005. –s. 87

сезилиб туради. Бу роман мавжудлик фалсафасининг асос саволлари – озовдорлик, имконият, намоёниш, жиноят ва жавобгарлик каби саволларга жавоб излайди. Бу роман нашр қилинганидан уч йил кейин Юсуф Атилген ҳаётида аҳамиятли ўзгаришлар содир бўлади. Сабаби, 1976-йилда Серпил Генжега уйланиб, Истанбулда яшай бошлайди. Сўнги асари дастлаб «Исканжа» номини олади, лекин 2000-йилда номи ўзгартирилиб нашр этирилади. Бу асарда инсоннинг барча ёмон ҳислатларини келтириб чиқарувчи сабаблар ҳақида фикр юритилади. Лекин Юсуф Атилген бу асарни тамомламасдан 1989-йилда юрак хуружи туфайли оламдан ўтади.

Бу даврда инсон масаласи ва уни жамиятдаги ўрни масалаларига диний ёндошган файласуфлардан бири Ҳилмий Зиё Улкендир.

Ҳилмий Зиё Улкан (1901-1974) «Социология ва психология», «Фалсафа тарихи», «Мантиқ тарихи», Ислом фалсафасидан «Турк-ислом тафаккури ва замондош турк тафаккури» номли бирқанча фалсафий асарлар ёзган файласуфдир. XX асрда яшаб ижод этган турк файласуфи Ҳилмий Зиё Улкен умрининг 50 йилини илмга, фалсафага, тафаккур тарақиётига бағишлади. Ҳилмий Зиё Улкен 1919-йилда Анадолчилик оқимини ташкил этади. 1919-йилда «Анадолу» номли газетани нашр этира бошлайди. Ўшанда у атига 18 ёшда эди. Ҳилмий турк маданиятининг тарихий асосларини тадқиқ этади ва 1930-йилда икки жилдлик «Турк тафаккур тарихи» номли асарини нашр этиради. Турк тафаккур тарихи номли бу асарни кўрган Мустафо Камол Отатурк Ҳилмий Зиё Улкенни Анқарага чақиради ва кўришади.

Анадолу маданияти, урф-одатлари ҳақида тадқиқотлар олиб боради. У миллат ҳаётида Анадолу маданиятининг ўрни бекиёслигини ҳимоя қилиб чиқади. Анадолу маданиятига миллат маданиятининг асоси ва негизи сифатида қарайди. Ҳилмий Зиё Улкен 1933-йилда ёзган «Инсоний ватанпарварлик» номли асарида миллат бирлиги ва тараққиёти учун инсон ўзлигини англаши кераклиги ғоясини илгари суради. Шундагина миллат бир бутун, жипс халқ бирлигига айланади ва унга ҳеч қандай нарса хавф

сола олмаслигини таъкидлайди. Бу борада немс файласуфлари Фихте ва Гётенинг гуманистик ва миллатпарваплик томонларини ўзида бирлаштиради. Чунки улар дастлаб гуманистик ғояларни илгари сурган бўлсалар, 1806-йилда Наполеон истелосидан кейин, немс миллати ғурурини уйғотиш мақсадида миллатчилик ғояларини илгари сура бошладилар. Сабаби улар миллат тақдирига бефарқ қарай олмадилар. Улар миллатни уйғотмоқчи ва асраб қолмоқчи эдилар⁴⁸. Ҳилмий Зиё Улкен ҳам ўз қарашларида йўқ бўлиб бораётган турк маданияти, урф одатларини асраб қолишга ҳаракат қилади. Гарчи гуманистик ғоялардан миллатчилик ғўялари томон оғган бўлса ҳам.

1943-йилда нашр этилган «Файласуф ва филолог» асарида эса немс фалсафасининг таъсири яққол сезилиб туради. Башарият фалсафий фикрлар таракқиётида, «фалсафани филология билан аралаштириб юбормаслик кераклигини» таъкидлайди. Чунки, фалсафий тадқиқотларда фалсафа тарихини ўрганиш ва филологик тадқиқотлар олиб бориш кераксиздир. Унинг фикрича, файласуф ҳар нарсадан олдин замоннинг илмига таъсир кўрсатиб, унинг муаммолари ичида яшаши керак. Чунки файласуфнинг қарашлари фақат жамиятдан униб чиқади. Туркияда ҳақиқий фалсафий илм, фақат фан билан фалсафа орасидаги қарама-қаршилиқни йўқолиши билан ривожланади. Бу даврда ижтимоий ва сиёсий жараёнлар таъсирида материалистик ғояларни кенг ёйилаётганини кўрган Ҳилмий Зиё Улкен, 1948-йилда қарши фикрлар ифодаланган «Тарихий материализмга радия» ни ёзади. Бу асарда Гегелдан узоқлашиб Афлотунга қайтган Ҳилмий Зиё Улкен, Амстердамда бўлган Ҳалқаро фалсафа конгрессида «Борлиқларнинг икки юзи» номли маърузасини қатнашчиларга эшиттиради. Шунингдек, «Фалсафага кириш, билим ва қадр, мавжудлик ва ўлим» номли асарида Афлотуннинг «диод» тушунчаси билан боғлиқ онтология, эпистималогия ғояларидан Э.Гуссерлнинг феноменалогиясини ҳимоя қилиб чиқади. Ҳилмий Зиё Улкен Жан Жак Руссонинг жамият асоси

⁴⁸Hilmi Ziya Ülken, «Eski ve Modern Çağ Felsefe Tarihi». Istanbul. 1966, -s. 797

келишув, шартнома ғоясига қарши чиқади. Тараққиёт жамиятдаги алоқалар, ўзаро қарама-қаршилиқлар, жамият ва табиат ўртасидаги қарама-қарши таъсирлар занжиридан иборат. Сабаби, бу қарама-қаршилиқлар тараққиётга сабаб бўлади. «Овқат ейиш бу ҳаётий эҳтиёж, аммо ўзгача бир шароитда овқатланиш сициал воқелик ичида у эга бўлган маънодир»⁴⁹ дейди.

Ҳилмий Зиё Улкен инсоннинг пайдо бўлишини, яъни, онтологик қарашда яралишини «Илоҳий борлиқ» ва табиат ўртасидаги алоқада кўради. Инсон моддий борлиқ ичида бир мавжудот сифатида коинотта Худо билан табиат ўртасида қандайдир ўринга эга бўлади⁵⁰. Файласуфимиз бу орқали қуйдаги фикрларни таъкидламоқчи эди. Инсон маймуннинг эврилишидан пайдо бўлмагани каби, инсон эврилишидан Ницшенинг аъло одами пайдо бўлмайди⁵¹. Илоҳий борлиқнинг таъсирида ва у ато қилган хусусият билан инсон шу шаклда яшайверади. Сабаби Ницшенинг аъло одами ҳозирги замон одамидан тубдан фарқ қилади. Унда моҳият ўзгариб кетган. У комилликка эришган. Лекин Ҳилмий Зиё Улкен фикрича, инсон яралганига неча минг йил бўлган бўлса ҳам фақатгина шакл ўзгармоқда. Инсоният кўп ютуқларга эришди. Ҳаётга мазмун берди. Лекин, аъло одам томон биринчи қадамни ҳам ташлагани йўқ.

Ҳилмий Зиё Улкен инсоннинг буюклигини ундаги инкор этаолиш ҳислатида эмас, балки иймонига боғлайди. У «инсон инкор этганлиги учун эмас, балки қабул қилганлиги учун ҳам буюқдир» дейди. Бу ғоя орқали Ницше ва Макс Шеллер қарашларига қарши чиқаётганлигини билдиради. Чунки, бу файласуфлар инсон қувватини, буюклигини «йўқ» деган ғояда, деб биладилар. Уларни инкорига қарши Ҳилмий Зиё Улкен инсон буюклигини иймон ва иқрор кучида, «ҳа» деяолишида эканлигини таъкидлайди. «Биз ҳозирги даврда олий қадриятларни ва уларнинг буюқ маъсулиятини зиммамизга олабилишимиз-буюклик эканлигини,

⁴⁹ Hilmi Ziya Ülken, «Felsefeye giriş I», Ankara. 1958, -s. 50

⁵⁰ Hilmi Ziya Ülken, «Felsefeye giriş I», Ankara. 1958, -s. 51

⁵¹ Hilmi Ziya Ülken, «Felsefeye giriş I», Ankara. 1958, -s. 58

инсоннинг асл хусусияти бирор воқеликни тўғри қабул қилаолишида эканлигини таъкидлайди», файласуф. Бундай шароитда албаттаки иймонга эргашган, иқрор бўлган ва «ҳа» деяолган инсон буюқдир⁵². Чунки қабул қилиш мушкул иш, рад этишдан осон иш йўқ. Ницше барча қадриятларни рад этади. Барча нарсани инкор қилади. У учун бу дунёда ҳеч нарсa «йўқ». Лекин Ҳилмий Зиё Улкен унга қарши чиқиб, бундай қадрсизликка ўзимиз айбдормиз. Агар ўз вақтида қадриятлар маъсулиятини «ҳа» дея, қабул қилаолганимизда эди, ҳозир уларни инкор қилиб, синдириб ташлашга ҳожат бўлмасди. Уларни асраб қолишда ўзимизда куч топаолмадик. Энди эса уларни инкор қилаяпмиз. Инсониятдаги маъсулиятдан қочиш, қадрига етмаслик бизни шу ҳолга олиб келди. Ўзимиз шу кўйга солган ҳаётни инкор этишни нима кераги бор. Иймонга эргashiш, у кўрсатган йўлдан бориш керак ҳолос⁵³.

Ҳилмий Зиё Улкен инсонни таҳлил ва тавсиф қилиш жараёнида инсониятни «буюк одам ва буюк инсон» тоифаларига ажратади. Буюк инсон манавий борлигини комилликка олиб чиқиб, инсоний ҳислатлар билан ва ўз нафсини жиловлаш орқали камол топган инсондир. Буюк инсон иймоннинг қудрати билан улғайган инсон сиймосидир. Буюк инсонларга мисол сифатида пайғамбарлар, валийлар, буюк фикр эгалари, илм ва иймон йўлини танлаган инсонларни киритишимиз мумкин. «Буюк одамлар» эса, файласуф фикрича, куч, ҳокимят ва бойлик орқасидан буюқлика эришган кимсалардир. Буюк одамлар тарихда ўз миллати учун, унинг тақдири учун ёки ўз манфаати учун буюк ишларни қилган одамлардир. Гарчи, бу ишларни зўравонлик ёки ҳокимят кучи билан бажарган бўлсалар ҳам. Буюк одамларга мисол сифатида Искандар, Наполеон каби тарихий шахсларни келтиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳилмий Зиё Улкен фикрича, инсон ҳаёти иймон билан чамбарчас боғланган. Иймон, дин ҳаётни инсоний

⁵² Hilmi Ziya Ülken, «Felsefeye giriş I», Ankara.: 1958, -s. 276

⁵³ Hilmi Ziya Ülken, «Felsefeye giriş I», Ankara.: 1958, -s. 50

фазилатлар билан бойитади. Инсон илоҳий борлиқ-Худодан қувват олади. Ҳилмий ижтимоий қарашлардан шу маълум бўлдики, миллат тақдири, ундаги қадриятлар, урф-одатлар, ананаларнинг мавжудлиги инсондаги маъсулият кучи билан боғлиқ. Уларнинг йўқолиб бориши миллат таназзули эканлигини айтади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳилмий Зиё Улкен ва Юсуф Атилген қарашларида мавжудлик масаласи, инсон ҳаётидаги тушқунлик ва бегоналашув ўзига хос тарзда ёритиб берилган. Инсоннинг маъносиз ҳаёти ва мавжудлик масаласи жамиятдаги муаммолар ва иқтисодий-сиёсий жараёнларга асосланган ҳолда ёритиб берилган.

Чунки, Туркияда иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсий низолар ва иқтисодий инқироз жамият ҳаётини бош берк кўчага олиб бириб қўйди. Инсонлар фаровон ҳаёт учун чора топа олмай қолдилар. Натижада жамиятда бегоналашув бошланди. Ҳилмий Зиё Улкен ғарблашиш ҳаракатлари келтириб чиқарган салбий ҳолатларни ва маданий инқирозни қорсатиб бериш учун «буюк инсон» ва «буюк одам» ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, инсон фаровон ҳаёт учун қадриятлардан воз кечиш эмас, балки қадриятлар маъсулиятини, миллийликни ҳис қилган ҳолатдаги ривожланиш йўлини танлаши кераклигини айтади. Юсуф Атилгеннинг «Ёввойи табиатли одам» номли асарида экзистенциал фалсафадаги бегоналашув ғояси илгари сурилади. Асар қаҳрамони С., маъносиз ҳаёти туфайли жамиятдан бегоналашади. Нима учун С. нинг ҳаёти маъносиз? Бунга жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқироз инқироз сабабли одамлар ўртасидаги тушқунлик ва ишончсизлик сабаб бўлди. Шунингдек, турк миллий ҳаётини ўзгараётганлиги ва қадриятларни йўқолиб бораётганлиги турк инсонини ёлғизлатиб қўйди. У ўз жамиятидан бегоналашди ва ғарб томон оғиб кетди. Шу билан бирга С.нинг шахсий ҳаётида ҳам қадрли ва аҳамиятли нарсалар қолмаган эди. Бунга сабаб, Отасининг маънавий бузуқ ҳаёти ва онасининг эрта ўлими унда отасига нисбатан кучли нафратни вижудга келтиради. Келажакда

отасидай бўлмаслик фикри уни оиласидан узоқлаштиради. Жамиятдан, оиласидан алоҳида қолган, яккаланган С. тушкун ва маъносиз ҳаёт кечиради.

Шундай қилиб, Ҳилмий Зиё Улкен ҳам, Юсуф Атилген ҳам, айрича йўллардан борган ҳолда ҳозирги замон инсонининг мавжудлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Яъни, ҳаёт шунчаки яшашдан иборатми? деган саволга, асарларидаги қаҳрамонлар орқали жавоб бердилар. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда қандай яшаш унчалик муҳим эмас, балки инсон ҳаётининг мазмунли бўлиши, унда бўшлиқнинг бўлмаслиги ва асл ҳаётини моҳиятини ҳис қилиш мавжудликнинг энг асосий унсури эканлиги кўринмоқда.

II боб бўйича хулоса

XX аср Ғарб ғасафий оқимларининг Туркия ғасафий фикр ривожига таъсири бўйича тадқиқотлар натижасида қуйдагича хулосаларга келдик:

-1950-йилларда Туркияга экзистенциализм ғалсафаси кириб кела бошлади ва бу йўналишга алоқадор бирқанча асарлар яратилди. Ферит Эдгу, А.Ҳ.Танпинар, Юсуф Атилген, Ҳилмий Зиё Улкенлар мавудлик ғасафаси, умуман, инсон ҳаёти ва мавжудлиги ҳақида баҳс юрита бошладилар. Натижада, Юсуф Атилген томонидан «Ёввойи табиатли одам», А.Ҳ.Танпинар томонидан «Ҳузур», «Саҳна ортидагилар» номли экзистенциал асарлар яратилди.

-Бунга сабаб, жамият ҳаётида ғарблашиш ҳаракатини кучайиб кетиши ва бу жараёни турк миллатининг миллий хусусиятига кўрсатган салбий таъсирлари натижасида инсонларда бегоналашув, тушкунлик пайдо бўлди.

-Шунингдек, 1960-йилларда бўлган сиёсий тўнтариш, иқтисодий инқироз инсонларни боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Жамиятда тушкунлик ҳолати вужудга келишига сабаб бўлди.

-Ҳилмий Зиё Улкен ва Юсуф Атилген қарашларида мавжудлик ғалсафаси, инсон ҳаётидаги тушкунлик ва бегоналашув ҳолати ўзига хос тарзда очиб берилади. Ҳилмий Зиё Улкен инсон мавжудлигининг асоси бўлган қадриятлар ва ананаларни, шунингдек, ғарблашишни салбий томонларини ёритиб бериш учун «буюк инсон» ва «буюк одам» ғоясини илгари сурди.

-Ҳилмий Зиё Улкен қарашларидан шундай хулоса чиқадики, инсон фаровон ҳаёт учун қадриятлардан воз кечиши эмас, балки, қадриятлар маъсулиятини ҳис қилган ҳолда яшаши керак.

-Юсуф Атилгеннинг «Ёввойи табиатли одам» номли асарида экзистенциал ғалсафадаги бегоналашув ғояси кўрсатиб берилган. Шахсий ҳаётининг маъносизлиги, отасининг бузуқ ҳаёти ва онасининг ўлими асар қаҳрамони С., ни ҳаётда ёлғизлатади ва жамиятдан бегоналаштиради.

Ш боб. XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий фикр ривож ва унинг аҳамияти

1. Туркияда Муҳофазакорлар ва Ғарбчилар ўртасидаги тортишувлар ҳамда Аҳмад Ҳамди Танпинарнинг маданий ўзгариш ва турғунлик ҳақидаги қарашлари

Маданий ўзгариш ва турғунлик масаласи фалсафий муаммо бўлиб шаклланишида Антик давр юнон фалсафасини, айниқса натурфайласуфларнинг қарашлари муҳим рол ўйнайди. Антик давр натурфайласуфлари орасида илк бор ўзгариш тушунчасига эътибор қаратган Гераклит ҳисобланади. Гераклит фикрича, борликда ўзгаришда бўлмайдиган нарса йўқ. Ҳамма нарса ўзгаради, ҳаракатда бўлади. У «бир дарёга икки марта тушиб бўламйди» деган фикри орқали ўз фалсафий қарашининг асос ғоясини ифодалайди. Гераклит фалсафасига қарши фикрни илгари сурган файласуф Парменид, тўхтамай ўзгариб турувчи бир нарса ҳақида ҳукм чиқариш имконсизлигини илгари суриб, борлиқни ўзи ўзгармас ва бўлинмас деган ғоя билан чиқади ва ўз фалсафий қарашлари асосига турғунликни қўяди⁵⁴.

Антик давр файласуфлари томонидан онтологик муаммо сифатида тортишилган ўзгариш ва турғунлик масаласи кейинги давр файласуфлари орасида ҳам бахсли масалалардан бирига айланган. Фақат бу давр файласуфлари тарих, маданият ва қадриятлар оламидаги ўзгаришлар ва турғунлик ҳақида фикр юритдилар.

Инсониятнинг маданият дунёсида турғунлик мавжудми? Ёки, ҳар доим ўзгаришдами? Бу жараён ҳар он ўзгараверса бизни ўзимизга хос маданий ва ижтимоий қадриятлар системамиз нима бўлади. Бу жараён инсоният маданий дунёсида дурагайлашишга сабаб бўлмайдими? «Ўзгариш ва муҳофазакорликнинг ўлчови қандай?»⁵⁵, каби саволлар бу

⁵⁴ Heklitos ve Parmenides'in görüşleriyle ilgili geniş bilgi için bkz, Macit Gökberk, «Felsefe Tarihi», İstanbul.: 1990, s.25-28; Ayrıca bkz, Mehmet Aydın, Alemde Allah'a, İstanbul, 2000, -s.35-37.

⁵⁵ Tuncay Imamoğlu. «Ahmet Hamdi Tanpınarda süreklilik ve değişim». İstanbul.: Atatürk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, -s.131-142

масалани бугунги кун муаммосига айлантирди. Бу каби саволлар дунёнинг ҳар турли маданиятлари орасида ўзига хос шаклда баҳсга учрагани каби, Туркияда ҳам Усманийлар империясининг ғарб модернизми билан юзлашиши ва ғарблашиш жараёнини бошланиши билан маданий ўзгаришларга доир тортишувлар бошланди⁵⁶.

Иккинчи Конституцион монархия даврида, Танзимат даврида бошланган ижтимоий, сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг яна ҳам кучайиши ва ғарблашиш жараёни жадаллашиб бораётгани яққол кўринди. Бу давр кучли тортишувларга майдон бўлиши билан бирга, оқимларнинг қутублашишига ҳам шароит яратди. Барча оқимлар ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда Муҳофазакорлар ва Ғарбчилар номли икки оқимга ажралдилар.

Усманийлар империясини ривожланишда ортда қола бошлагалиги сабабли, мамлакатда сиёсий кучлар ғарб дунёси билан алоқаларни янада кенгайтиришга ҳаракат қила бошладилар. Империяни қутқариб қолиш йўллари ғарб маданиятидан қидириш ҳаракатлари бошланди. Фақат империяни асраб қолиш учун, Ғарб дунёсидан олинган барча янгилик миллий ҳаётда муаммо келтириб чиқарди ва акс таъсирга учради. Жамият қатламларидаги ўзгаришлар, жамият асосига кўрсатган салбий таъсирлар сабабли, бу ўзгаришлар даври, бирқанча зиёлилар ва файласуфлар орасида турлича ёндашувларга сабаб бўлади. Мисол учун, **мустамлакалашиш, маданий бузилиш, ғарблашиш** каби иборалар билан изоҳланган норозиликлар бошланди. Лола давридан сўнг кўзга кўрина бошлаган ва 1730-йилги «Ҳалил исёни»да ўз ўрнига эга бўлган «Муҳофазакорлар ва Ғарбчилар» оқими шундай вазиятда майдонга чиқади ва кейинги даврларда ҳам баъзи ўзгаришлар билан ўз фаолиятини давом эттиради. Муҳофазакор-Ғарбчилар тортишувларида икки ҳил қарама-қаршилик кўзга ташланади. Булардан бири, Ғарбни техникавий ва иқтисодий томондан

⁵⁶ Tuncay Imamoğlu. «Ahmet Hamdi Tanpınarda süreklilik ve değişim» İstanbul: Atatürk Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, -s.131-142

устунлигини тан олиш ва ўзлаштириш муаммосидир. Бу масалада, Ғарбчилар ва Мухофазакорлар фикрлашларида ҳамоҳанглик мавжуд. Фақат, ғарбдан техникавий, иқтисодий ва **маданий** томонларни ўзлаштириш ҳақидаги қарашларда қарама-қаршиликлар мавжуд эди. Мухофазакорлар Ғарб дунёсидан миллий тузилишимизга мос келадиганларини олиб, қолганидан воз кечиш кераклигини таъкидлашса, ғарбчилар, ҳар қандай янгиликни қабул қилиш кераклигини, агарки у бизни муаммоларимизни еча олса, маданиятини ҳам қабул қилиш кераклигини айтишади⁵⁷.

Иккинчи зидлик эса қуйдагича, Мухофазакорлар ўтмишга «Олтин давр» сифатида баҳо берсалар, Ғарбчилар ўтмишни ёмонлиги, чириганлиги ва муттасиблиги ҳақидаги фикрга эга эдилар⁵⁸. Шунинг учун, Мухофазакорлар ва Ғарбчилар ўртасидаги тортишувларни тугатиш ва ечимга келиш мақсадида бир гуруҳ зиёлилар томонидан «Даргоҳ» номи остида журнал нашр этирилади.

Давом этиш-ўзгариш, ўзгариш эса давом этишдир, ёки бошқа бир ифода билан, турғунлик ичидаги ўзгариш, ўзгариш ичидаги турғунлик шаклида формула қилинган бу тушунчалар айна шаклда Аҳмад Ҳамди Танпинар қарашларида мавжуд. Бунини «Ҳузур» номли романида кўришимиз мумкин. Бу асар қаҳрамони Мумтоз Ҳакимўғли эски бир Усмонили маҳалласидан ўтаркан, йўл ўртасида бир нечта қизалоқларнинг ўтмишдан мавжуд бир турк кўшиғини айтиб ўйнашларини кузатади. Бу маҳалладаги замонавий уйлар, янгича ҳаёт тарзи, кийинишдаги ўзгаришлар ва ушбу кўшиқ унда ғалати туйғуларни уйғотади. Мумтоз, севган аёли Нураннинг ёшлигида мана шу ўйинни ўйнагнлигини эслайди. Ҳеч шубҳасизки, Нурандан аввал, онаси, онасининг онаси ҳам ушбу кўшиқни айтиб улғайишган эди. Мана шунда, Мумтоз, миллий қадриятларга «давом этиши зарур қадрият» дея, баҳо беради. «Ҳамма

⁵⁷ Hilmi Ziya Ülken, Ahmet Hamdi Tanpınar, Mücevherlerin Sırrı, İstanbul, 2002, s.375

⁵⁸ Hilmi Ziya Ülken, Ahmet Hamdi Tanpınar, Mücevherlerin Sırrı, İstanbul, 2002, s.376-377.

нарса ўзгаради, ҳатто ўз иродамиз билан ўзгартирамиз, ўзгармайдигани эса, ҳаётга шакл берган, унга бизни тамғамизни босган ўзлигимиздир»⁵⁹.

Юқоридаги фикрлардан, Танпинарнинг тарих ва аксиалогик фалсафадаги ўзига хослигини кўрсатиб беради. Бу ерда кўринадик, Танпинар бизни «биз» қилган маданий ва маънавий қадриятларни яшашда давом этиши шарти асосида ўзгариш кераклигини илгари суради. Шу маънода ёзувчи, ўтмиш билан бугун ўртасида бир кўприк вужудга келтириш кераклигига такидлайди.

Танпинар шахснинг ички оламида фақатгина шахсий эмас, балки ижтимоий ва маданий ўтмишнинг ҳам ўрни бўлиши кераклигини кўради. бу ўриннинг қаровсиз қолишига қарши чиқади. Тарихимиздаги маданий ўзига хослигимизни юзага чиқариб, тараққиётга эришиш учун мана шу манбага асосланишимиз кераклигини билдиради⁶⁰. Танпинар фикрича, ўтмиш: шахсиятимизнинг ўзи, ҳеч бўлмаганда манбаидир. Инсон усиз уюша олмайди. Жамият учун ўтмиш, яъни тарих, инсондаги хотира кабидир, асл шахсиятидир. Хотирасини йўқотган инсон аввалги инсон бўлмагани каби, жамият ҳам ўтмишини йўқотса ёки ўтмиш воқеаларини унутса, энди бу жамият аввалги жамият бўлмай қолади⁶¹. Инсон бир мавжудликнинг парчаси бўлиб, эртага юзага чиқадиган ҳалқадир. «Ҳодисалар билан биргаликда биз ҳам ўзгарамиз ва биз ўзгаратуриб тарихимизни янгиттан курамиз»⁶².

Ушбу фикрлардан шу маълум бўладики, Танпинар қарашларида ўтмиш, тарих актуал муаммо сифатида ўзини наъмоён қилади. Фақат у ўтмишга тарихчи кўзи билан эмас, балки бир инсон кўзи билан баҳо беради. Натижада инсон ўтмишига алоқадор ҳолда, уни унутмаган ҳолда яшаши кераклиги келиб чиқади. «Баҳчет афандига мактублар» асарида «З.Фрейд ва А.Бергсонлар биргаликда бўлиб олишган дунёнинг фарзандларимиз. Улар бизга ечимни инсон онгидан, инсон ҳаётидан

⁵⁹ А. Н. Tanpınar. Huzur, İstanbul, 1996,- s. 23.

⁶⁰ Oğuz Demiralp, «Ahmet Hamdi Tanpınar», Modernleşme ve Batıcılık, III, ed. Uygur Kocabaşoğlu, İstanbul, 2002, -s. 33

⁶¹ А. Н. Tanpınar. «Mücevherlerin Sırrı», Ankara.: -s.238-239.

⁶² А. Н. Tanpınar. «Beş Şehir», Ankara.: -s.100.

кидириш кераклигини ўргатдилар»⁶³, деган фикрни илгари суради Танпинар. «Тарих бизга инсон рухиятининг туб-тубидаги рухий жараёнлар ҳақида ҳеч нарса айтмайди. Ҳолбуки, тарихни яратган инсондир»⁶⁴.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Танпинарни ўтмишга кўпроқ урғу бериши, «олтин давр» дея баҳо беришига сабаб, Танзимат даврида Усмонлилар жамиятида қилинган янгиликларни фойдалилигига ишорадир. Танпинар фикрича, кўп вақт йўқотилган бўлса ҳам, Танзиматда фойдали ишлар қилинди. Вақт ўтиши билан, жамиятимизнинг ички ва ташқи манзараси ўзгарди. Аёллар ижтимоий ҳаётга кириб келди. Жамиятимиз Ғарб фикрларини ва санъатини қабул қилди ва инсонимиз техникани таниди⁶⁵. Танпинар бу янгиликларни кириб келиши катта қийинчиликлар билан бўлганлигини, аммо бу янгиликлар ўтмиш маданиятимиз билан боғланишни узулишига сабаб бўлганлигини айтади⁶⁶. Танзиматга кейин турк зиёлиси ўз маданий асослари билан алоқасини узди, ундан бегоналашди. Бу даврда шунингдек, Усмонли жамиятининг ўтмиши билан боғлиқ бўлмаган янгиликлар қилинди. Фақат Танпинар фикрича, бу янгиликлар ўз маданий меросимиздан қувват олмагани учун ижтимоий ҳаётимиз билан уйғунлашиб кетмаяпти⁶⁷.

Бундан кўринадикки, Танпинар ўзгаришлардан қочиб-қутилиб бўлмаслигини таъкидласада, фақат буни ўз ўтмишимиздан юз ўгирмасдан, турғунлик ва ворисийликка асосланган ҳолда олиб бориш кераклигини айтади. Танпинар фикрича, Танзиматдан аввал маданиятимизда тадрижий ривожланиш мавжуд эди. Тарихда яшаб ўтган машҳур инсонлар ўзлари яшаётган жамиятни қуршаб турган қадриятларга муқаддас омонат сифатида қарашарди. Улар илгари сурган фикрлар, қилган ишлари авлодлар томонидан давом эттириларди ва ривожлантириларди. Шунинг

⁶³ А.Н. Tanpınar, «Mahur Beste», Ankara.: 1997. -s.170.

⁶⁴ Mehmet Kaplan, «Mahur Beste Hakkında Birkaç Söz», (Mahur Beste içinde),1998. -s. 9.

⁶⁵ Hilmi Ziya Ülken, Ahmet Hamdi Tanpınar, Mücevherlerin Sırrı, İstanbul, 2002, -s.375

⁶⁶ А.Н. Tanpınar, «Yaşadığım Gibi», İstanbul, 1996, -s.36

⁶⁷ А.Н. Tanpınar, «Edebiyat Üzerine Makaleler», İstanbul, 1998, -s. 73.

учун ҳам Аҳмад Ҳамди Танпинар фикрича, Танзиматдан кейинги даврларда йўқотган нарсамиз: ворисийлик ва бирликдир⁶⁸.

Танзимат ислохатлари натижасида тарихимиздан узилиб қолишимиз, ворисийлик ва бирлик мафкурасини йўқотишимиз натижасида жамиятда иккиланиш вужудга келганлигини айтади⁶⁹. Аҳмад Ҳамди Танпинар Танзимат даврида вужудга келган иккиланишга, янгига, ўтмишдан бизники болмаганлиги учун шубҳага боришимизни, эскига бўлса, эскириб қолганлиги учун фойдасизлик нуқтаи-назари билан ёндошишимизни айтаркан, санатимизда, ахлоқимизда, урф-одатларимизда ва келажак ҳақидаги тасаввурларимизда бу иккиланиш қаршимиздан чиқишини таъкидлайди⁷⁰. Танпинар ушбу ғояни ўзининг «Соат созлаш институти» номли асарида кўрсатиб беради. Бу асарда ўтмиш билан алоқаси узилган бир воқеликни кўрсатиб беради. Асар қаҳрамонлари фикрича, ҳозирги кун билан ўтмиш ўртасида ҳечқандай боғлиқлик йўқ. Фақат улар ҳаётларида давомий бўшлиқни ҳис қилганликлари учун, янги тарих яратишга ва тарих билан суний кўприк боғлашга ҳаракат қиладилар. Танзимат давридан сўнг тарихнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини кўрсатиб бермоқчи бўлган Танпинар, ўз эркига эга бўлган инсонларни, оғир ўтмиш юкини таший олмасликларини ва шу сабабдан ўзгаришни ва ривожланишни кўзлаётганликларини таъкидламоқчи эди. «Янги бир ҳаёт керак. Фақат сакрай олиш, тарихни ўзгартириш учун ерга бир доҳий қадам қўйиши керак. Ҳа, бир шахсият лозим. Бу шахсиятни ҳар миллат ўз ўтмишидан олади»⁷¹.

Усмонли маданияти таназзули юзасидан жиддий мушоҳада юритган Танпинар, ўтмиш билан келажак ўртасида давомий бир жанжирни бўлиши кераклигаини айтади. Унинг фикрича, бу ворисийлик занжирининг янгидан боғланиши, маданиятимиздаги ва ижтимоий ҳаётимиздаги

⁶⁸ A.H. Tanpınar, «Yaşadığım gibi», İstanbul: 1996. -s.35-36.

⁶⁹ A.H. Tanpınar, «Yaşadığım Gibi», 19. Asır Türk Edebiyatı Tarihi, İstanbul: 2001, -s.136.

⁷⁰ A.H. Tanpınar, «Huzur», İstanbul: 1997. -s.297-298.

⁷¹ A.H. Tanpınar, «Saatleri Ayarlama Enstitüsü adlı roman hakkında geniş bir değerlendirme için bkz». Beşir Ayvazoğlu, «Saatleri Ayarlama Enstitüsü Yahut Bir İnkıraz Felsefesi», (Saatleri Ayarlama Enstitüsü içinde), -s. 340 vd.

иккиланишларни йўқотади. Аммо Танпинар фикрича, ўтмишни севиш ҳам, Ғарбни таниш ва унга эргашиш ҳам биз учун етарли эмас. «Мозий отмиш ва ҳаётдир, у бизда яшайди, қачонки унга ўзимиздан бирор нарсаларни қўшаолсак. Биз эса бугун эмас, эртамыз. Ҳар авлоднинг ўз вазифаси бор, ўзидан келиб чиқиб, келажакни яратиш. Биз учун қилиниши керак бўлган иш-янги ҳаёт шакллари яратиш. Янги ҳаёт шакллари вужудага келтириш учун, энг аввало ўз ҳақиқатимизга уйғун фикрларга ва ишлаб чиқариш шаклларига эҳтиёжимиз бор»⁷², дейди Танпинар, А.Ҳ. Танпинар ҳар бир жамиятнинг ўз ривожланиш йўли бўлишини, ҳар бир жамият ўз миллийлиги, қадриятларининг мавжудлигини «Саҳна ортидагилар» романи бош қаҳрамони бўлган Ихсаннинг қуйдаги фикрлари орқали ифодалайди. «Ўзимни йўқотиб қўядиган ҳолатда эдим! Европага кетаётганимда ўзимга хос яхши ва ёмон дунёим бор эди. Ўша оламда яшардим. Европада бошқа бир оламга тушиб қолдим ва ўзгача фикр оламига дуч келдим. Яхши ўқитувчилар ва ҳақиқатдан машҳур инсонлар билан танишдим. Мамаклатимни бу фикрларга ва бу муаммоларга таққослаган ҳолда тушунишга ҳаракат қилдим. Қайтгач эса ҳайрон қолдим. У ерда ўрганганларимни бир ишга ярамаслигини тушундим. Инсоннинг ҳаётига шакл берадиган ўз миллийлигига эга бўлиш қандай қудрат-а. Оёқ кийими эмаски, тайёрини олсам. Ҳозиргача барча сўзлар бизни сархуш этганди, воқеалар бизни чақмоқ каби уйғотди. Инсон, ҳаёт ва тарихнинг эҳтиёжларини, мажбуриятларини кўра олмади»⁷³. Танпинар ҳаёт билан уйғунлиги бўлмаган ғоя ва фикрларни ижтимоий ўзгаришларда ишга ярамаслигини айтади. Ижтимоий ҳаётимизда қадриятларимиз ва ғарб маданияти йиллар давомида ўз ўрнига эга бўлди ва ўрнашиб қолди. Энди миллийлигимиздан келиб чиққан ҳолда иккисини синтез қилиб, ижобий томонларидан фойдаланишимиз керак⁷⁴.

⁷² А.Н. Tanpınar, «Yaşadığım Gibi», Ankara.:1996. -s.42.

⁷³ А.Н. Tanpınar, «Sahnenin Dışındakiler», İstanbul.: 1990, -s.133.

⁷⁴ А.Н. Tanpınar, «Yaşadığım Gibi», Ankara.: 1996. -s.42-43.

Жамиятни миллий асосига мос тушмайдиган янгиликларни мамлакат учун зарарли натижалар келтириб чиқаришини тушунган Танпинар, ўзининг «Соат созлаш институти» асарида янгиланишларни фойдалилигига ишонувчи, аслида эса ўз манфаатини ўйлаган зиёлиларни, ақлга ва мантиққа тўғри келмайдиган янгиликларни қоралайди. Шундай экан, маданий ўзгаришларга миллий қадриятларни манбаа сифатида олиниб, тадрижий ривожланувчи йўл сифатида қараш керак.

Туркияда XIX асрнинг охирларидан бошланган Ғарбчилар ва Муҳофазакорлар ўртасидаги тортишув ҳозирда ҳам давом этаётган жараёндир. Бунга сабаб, Туркия бошқарув доиралари томонидан амалга оширилган ва бугунги кунда ҳам олиб борилаётган ғарблашиш жараёни ва унинг жамиятга кўрсатаётган салбий оқибатларидир. Ғарбчилар Туркия ғарблашиши натижсида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучли давлатга айланишига ишонадилар. Саноат, техника ва технология кириб келиши давлатни ривожлантиради ва Туркия иқтисодий тақчилликдан ҳалос бўлади деган фикрни илгари сурадилар. Муҳофазакорлар эса Туркиянинг ғарблашиши иқтисодий салоҳиятига таъсир кўрсатиб, ривожланишини таъминлаши мумкин. Лекин ғарблашиш жамиятни миллий хусусиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Миллийлик йўқолади, қадриятлар ва ананалар жамият ҳаётидан чиқиб кетади. Унинг ўрнига ғарбча маданият ва ананалар урфга айланди. Муҳофазакорлар фикрича, ғарблашиш жараёнида ғарбни иқтисодий ва техникавий устунлигини тан олиб уларни ўзлаштириш кераклигини, маданиятини эса, рад этиш кераклигини илгари сурадилар.

Аҳмад Ҳамди Танпинар ҳам ўз қарашларида Ғарбчилар ва Муҳофазакорлар қарашларини таҳлил қилади. А.Ҳ.Танпинар ўзининг «Ҳузур» романида ғарблашиш ҳаракатини жамиятга кўрсатаётган салбий таъсирларини баён қилади. У ғарблашишга маданий бузилиш, қадриятлар тўқнашуви дея, баҳо берган эди. Мамлакат миллийлигини сақлаб қолиш учун ҳаёт тарзини ўтмиш билан боғлаган ҳолда яратиши керак. Инсонлар

Ўтмишда ким бўлганликларини, аجدодларининг тарихдаги ўрнини билган ҳолда ҳаётий мақсадларни яратишлари керак. Албатта, миллий хусусиятга эга бўлмасдан ҳам тарқққиётга, ривожланишга эришган давлатлар ҳам бор. Лекин уларни миллий озодлиги, миллий хусусияти йўқолиб бориши натижасида миллат ҳам йўқолиб бормоқда. Кучли давлар бор, лекин кучли миллат йўқ. Сиёсий жараёнлардан кўринмоқдаки, бундай давлат узоқ яшай олмайди.

2. Камал Тоҳир қарашларида Шарқ ва Ғарб жамиятларининг тараққиёт йўли ва Туркияда маданий муаммолар таҳлили

Туркия XVIII-XIX асрлар давомида барча эътиборини ғарбга, ғарблашишга қаратди. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳада ғарбга хос барча янгиликларни қабул қила бошлади. Сиёсий ва иқтисодий тузум ғарбга хос ананаларда шакллантирилди. XX асрга келиб Туркияда ғарблашишни салбий жиҳатлари намоён бўла бошлади.

Ғарблашиш жараёни Турк маданий ҳаётини ва ижтимоий асосини ўзгаришига сабаб бўлади. Бу жараённинг жамиятга кўрсатаётган салбий таъсирлари бирқанча турк ёзувчилари томонидан асарларида кўрсатиб берилди. Усманийлар империяси таназзулини, Республика ўрнатилишидаги оғир вазиятлар ва таҳликали жараёнларни кўрган Камол Тоҳир ҳам ўз қарашларини Туркиянинг узоқ ва яқин ўтмишдаги тарихини ёртиб бериш орқали илгари сурди⁷⁵.

Республика давридан давлатнинг расмий мафкурасига айланган ғарблашиш ҳаракати, бошқа ёзувчилардан фарқли тарзда Камол Тоҳирнинг «Давлат она» ва «Йўл айрилиши» номли тарихий асарларида ёритиб берилади. Камал Тоҳир ўз қарашларини материалистик фалсафага боғлаб, Турк жамиятининг миллий хусусиятини, тарихини ва бугунги тараққиётини Диалектик материализм назаряси асосида тушунтириб беради. Жамиятнинг вужудга келишига, ҳам диалектик материализм, ҳам тарихий моддиунчилик орқали ёндошган ёзувчи, жамият тараққиёти жамиятнинг бугунги кунгача эга бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асосига бўғлиқ эканлигига аҳамият қаратади. Яъни, Туркия ҳам шарқ давлати сифатида тарихда ғарбга ўхшаб кулдорлик, феодализм каби даврларни босқичма-босқич босиб ўтмаганлиги, шунинг учун ҳам, тараққиёт ғарбга ўхшаш бўлмаслигини айтади. Ҳар бир миллатни, халқни, худудни, ўз ривожланиш йўли бўлади. Бу ёндашув тарзи ёзувчининг ўзига

⁷⁵ Yusuf Ziya Sumbullu, Murat Kaciroğlu. «Kemal Tahir'de doğu-bati ikilemi ve batılılaşma düşüncesi» Ankara 2002 –s. 125

хос шаклда ғарб ва ғарблашиш ғоясига қарши туришининг асосини ташкил қилади.

Камол Тоҳир ғарбни синфли бир жамият эканлигини айтади. Унинг фикрича, Анадол-турк жамиятида тарихдан ғарбга хос синфий қатлам бўлмаганлиги учун ҳеч қачон ғарб жамиятлари юрган йўлдан бора олмайди⁷⁶.

Моддиунча ғоялардан илҳомланган Камол Тоҳир, Материалистларнинг жамият тараққиётининг 5 поғонаси - ибтидоий даври, кулдорлик даври, феодализм даври, сотсиализм ва капитализм босқичларини таҳлил қилиб, турк миллатининг ўтмиши ва бугунини шу назария орқали изоҳлашга ҳаракат қилади. Жамиятни яхшироқ англаш ва эртанги кунини кўра олиш учун бугунги кунни яхши ва тўғри фахмлай билиш кераклигини тушунган Камол Тоҳир фикрича тарих мажбурий илмдир. Ўтмишни билмасдан бугуни англаш ва эртанги кунни кўра билиш алсо мумкин эмас.⁷⁷

Камол Таҳирнинг шарқ ва ғарб маданиятлари ўртасида қарама-қаршиликларни яқин ўтмишдаги турк сиёсий ҳаётидан олинган «Забт этилган шаҳар инсонлари», «Забт этилган шаҳар махбуси», «Хорғин жангчи», «Курт қонуни», «Йўл айрилиши» асарларида таҳлил қилади.

Ёзувчи фикрича, бир жамиятнинг бугунги мавжудлиги, у ўрнатган ташқи алоқалар ёки тараққиёт билан белгиланмайди. Ҳозирги Туркия Усмонийлар каби шарққа хос жамиятдир ва ҳозирги жараёнларда шарқ сафларида туриб, ҳаракат қилиши керак. Аҳмад Танпинар феодализм, синф, буржуазия, Осиёча ишлаб чиқариш, капитализм тушунчалари орқали турк инсонини нима сабабдан ғарблик бўла олмаслигини ва ғарблашаолмаслигини тушунтирмоқчи эди. Ёзувчи «Хорғин жангчи» романининг марказий характери бўлган Доктор Мунир орқали бизда капитализмни вужудга келтирган феодализмнинг бўлмаганлигини

⁷⁶ Yusuf Ziya Sumbullu, Murat Kaciroğlu. «Kemal Tahirde doğu-batı ikilemi ve batılalaşma düşüncesi» Ankara 2002 –s.125

⁷⁷ Ўша асар.- –s.126

таъкидлайди. Бундай хусусиятга эга худудларда, ғарбда бўлгани каби, хусусий мулк ривожланмайди, бойлик ҳиссобли қўлларда тўпланмайди. Бизда ғарб деганда феодализмни тушунилиши шундандир. Умуман олганда, ғарбда давлат-бир синф бошқа бир синфни эзишда фойдаланувчи воситага айланган бўлса, шарқда давлат бош вазифасига кўра жамиятни этакловчи бир кучдир. Яъни ғарбда давлат бўлмаган даврлар ҳам жамиятлар бўлган, аммо шарқда давлатсиз жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди⁷⁸.

Камол Тоҳир фикрича, ғарбда хусусий мулк, шарқда жамоавий мулкчилик шакли устундир. Мулкчилик шаклларининг бирбирига зидлиги ҳам ғарб-шарқ қарама қаршилигидаги асосий сабабдир⁷⁹. Шарқ ғарбга хос синф хусусиятини ифода этмаслиги ёки шарқлик индивиднинг ижтимоий статуси юзасидан Ғарб ва Шарқ жамиятларининг бир-бири билан келишиши ҳам алсо мумкин эмас.

Ғарб қадимдан синфли бир жамиятдир. Синфли жамият шахслар бирлашуви натижасида қудратли кучни майдонга чиқаради. Ғарблик индивид ўзини билади, тушунади ва манфаатларига боғланган ҳолда ҳаракат қилади. Шарқда эса инсон ўзини камол топтирмасдан ҳам жамиятнинг бир бўлаги сифатида яшайверади. Бундай ҳаёт тарзи шарқлик инсонни ғарб жамиятида яшай олмаслигини, мослаша олмаслигини кўрсатиб беради⁸⁰. Ғарблик инсонни жамоа манфаати учун ишлай олмайди, деб билган Камол Тоҳир, шарқда эса бундай жамоавийлик инсон қон-қонига сингиб кетганлигини айтади⁸¹. Зеро, шарқлик инсон жамоавий ҳолда яшашга ўрганган ва бундан ҳеч қачон возкечолмайди. Бу ҳам бир зиддиятдир ва шарқлик инсонни ғарблашишга уринишини жиловлаб турувчи энг аҳамиятли унсурлардан биридир⁸². Камал Тоҳир шарқ жамиятларидаги инсонлар шундай ҳаёт тарзига мослашган, дейди.

⁷⁸ Yusuf Ziya Sumbullu, Murat Kacıroğlu. «Kemal Tahirde doğu-batı ikilemi ve batılılaşma düşüncesi» Ankara 2002 –s.127

⁷⁹ Ўша асар.–s.129

⁸⁰ Ўша асар.–s.132

⁸¹ Ўша асар.–s.134

⁸² Ўша асар.–s.134

Шу сабабдан ҳам, Турк жамиятининг ғарбга ҳечқандай ўхшашлиги ва алоқадорлиги йўқдир. Шундай экан, Шарқ жамиятларининг ғарблашишга ҳаракати барча миллий хусусиятини йўқотишга, ўзгартиришга олиб келади. Яъни, шарқлик бўлган жамият, ғарбга эргашишидан, ҳар нарсадан, аввало ўзлигидан ва тарихий тамойилидан ажралиб қолади⁸³.

Камол Тоҳир Шарқ ва Ғарб жамиятлари ўртасидаги энг катта фарқни феодализмдан олдинги давр-қулдорлик тузумида кўради. Шарқ жамиятларининг ғарбга ўхшаб қулдорлик даврини босиб ўтмаганлигини, Ғарб эса, қул кучига таянган ишлаб чиқариш босқичидан ўтиб, ўз мавжудлигини, ижтимоий борлигини англаганлигини айтади. Камол Тоҳир фикрича, қул кучига таянган ишлаб чиқаришдан феодализмга ўтиш билан Ғарб янги бир синфни шакллантириб, ривожланишга замин ҳозирлади. Шу билан бирга, Ғарб келажакда ўзини ўлдирувчи кучларнинг майдонга келишига ҳам йўл очиб берди. Кейинроқ эса, буржуазия, феодализмнинг юқори муассасалари-дин, ҳуқуқ, санъат ва бошқалар билан тўқнашувга учради. Натижада, ғарб босқичма-босқич реформа, Ренессанс даври ва саноат инқилоби каби босқичлардан ўтиб, ўз тараққиётини яна бир поғонага кўтарди.

Камол Тоҳир умри давомида бир нечта тарихий асарларни ёзди ва улар орқали бугунги кун турк миллати ва турк инсонини кўрсатиб беради. Бугунги Турк жамиятидаги муаммоларга тарихдан жавоб излайди. Уни фикрича, тарихни тўғри ёритиб бериш бугунги кун муаммоларига ечим кўрсатиш билан баробардир⁸⁴. Тарихни тадқиқ қилар эканман шуни билдимки, тарихимизни, унинг миллий хусусиятини, аҳамиятини билмасдан туриб, ҳориж маданиятидан, илм-фани ютуқларидан ва технологиясидан фойдалана олмаймиз. Чунки, ҳар бир давлат тарихий ривожланиш жараёнига эга. Унинг тарихий романларидан бири бўлган «Давлат она» романи Усмонийлар давлати, биринчи Жаҳон урушидан сўнг

⁸³Yusuf Ziya Sumbullu, Murat Kaciroğlu. «Kemal Tahirde doğu-bati ikilemi ve batılilaşma düşüncesi» Ankara 2002 –s. 127

⁸⁴Ўша асар. –s.127

бу давлатнинг таназзулга юз тутиши, ўлканинг ишғол этилиши билан боғлиқ масалалар ёритилади. «Давлат она» романида Императорлик ташкил қилган, қисқа фурсат ичида уни ривожлантирган ва етти юз йил яшабини тامينлаган куч манбаини топмоқчи бўлади. Камол Тоҳирнинг «600 йил ортга қайтишининг сабаби, Анадоли турк инсонининг асл хусусиятини, асл кучини кўрсатиб бериш эди. «Давлат она»да Ғарб феодализи ва Усманийларда мавжуд тузумнинг бир-биридан тубдан фарқ қилишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бундай фарқ инсонларнинг инсонларга ва инсоннинг давлатга иқтисодий, ижтимоий муносабатида кўринишини айтади. Асосий ёндашув ғарбда тарих даврларга бўлинади ва ҳар бир давлат шу даврлардан ўтиб тараққиётга эришди. Шарқда эса, ғарбга ҳос даврлар аниқ намоён бўлмайди. Мисол учун Ғарбда кулдорликни таназзули феодализмга йўл очган бўлса, шарқда бу даврларни қоришиб кетганлиги кўринади.

Камол Тоҳир, «Давлат она» асарида турк тарихи, ҷамият асоси ва иқтисодий манбаини биргаликда тадқиқ қилади. Турк ҷамияти, тарихий ҷараён ичида Ғарб ўлкаларидан фарқли тараққиёт йўлига эғалигини айтади. «Усманийлар ҷамияти кулдорлик, феодализм, капитализм босқичларини босиб ўтмаган ва бунга сабаб эса, Осиёча ишлаб чиқариш тарзидир». Бундай ишлаб чиқариш тарзида, икки асосий меъзон мавжуд: Биринчиси, бундай ишлаб чиқаришга ҳос ҷамиятларда иш тақсимоти етарлича ривожланмаган. Бунинг натижасида қишлоқ иқтисоди ичида кичик касбий табақаланиш вужудга келмайди. Иккинчиси эса, давлат кучидир. Давлат яшаш тарзини яратувчи кучга эғалигидир. Давлатнинг ернинг эғаси эканлиги хусусияти, ҷамиятда синфлашишни вужудга келишига тўсқинлик қилади.

Туркия тарихига назар ташласак, XVIII асрнинг II ярмига келиб Усманийлар давлати таназзулга учрай бошлади. Иқтисодий таназзул ва ҳорижий давлатлар таъйиқи натижасида давлат кўплаб мустамлакаларидан айрилди. Ғарб давлатлари мамлакат иқтисодиётини ва бозорини

қўлга киритишга ҳаракат қила бошладилар. Усманий зиёлилари ўртасида бундай инқироздан чиқиш йўли сифатида ғарблашиш ҳаракати танланди. Давлат билан зиддиятлар, қарама-қаршиликлар натижасида халқда ёлғизлик, маконсизлик ҳолати пайдо бўлади. Бу маконсизлик уларни ҳеч нарсага ишонмаслика, кўркувда яшашга мажбур қилади. Бу ҳолат уларни ташқи кучлар таъсирида қолишга олиб келади. Худди шундай вазиятда ғарблашиш ҳаракати кириб келди. Халқда умид учкунларини уйғотишди. Ёрдам қўлларини чўзишди. Халқда бошқа илож қолмаган эди, чунки улар ишонадиган, суянадиган куч қолмаган эди. Шу даврда бошланган ғарблашиш ҳаракати ҳозирги кунда ҳам давом этаётган жараёндир.

Туркия ғарблашиш тарихини Усманийлар ғарблашиши ва Республика ғарблашиш ҳаракати шаклида 2 даврга бўлиш мумкин. Камол Тоҳир бу икки давр ўртасида тафовутлар, ижобий ва салбий хусусиятлари ҳақида изланишлар олиб боради.

Ҳозирда ғарблашиш ҳаракати юқоридан қуйи қатлам томон йўналтирилган, миллат учун, аммо миллат хусусиятини ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилаётган сиёсатдир. Шунинг учун халқ бундай ўзгаришларга бегона бўлиб қолмоқда. Яъни, бу сиёсат қуйидан қўллаб-қувватланиб, уларни ҳоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, ўрнатилмаяпти. Натижада, халқда мавҳумлик пайдо бўлмоқда ва ғарблашиш ўз салбий оқибатини кўрсатмоқда.

XIX асрда Усманийлар ғарблашиш тарафдорлари яшаётган даврда дунёда ягона қутқарувчи тузум сифатида капитализмдан бошқа йўлни топа олмаганликларидан ва қолоқ иқтисодий тузумдан ҳолос бўлиш учун истар-истамас шу йўлдан борадилар. Ҳатто Осиёча ишлаб чиқаришдаги камчилклардан қутилиш, илм-фан ютуқларидан фойдаланиш, қолоқ иқтисоддан чиқиш йўлини ғарбда ва ғарблашишда, деб билишлари ҳам тўғри эди.

Республика ғарблашиш ҳаракати тарафдорларининг инсонларни бойитишга, янги буржуа яратишга жадал ҳаракатлари, Камол Тоҳир,

Усмоний ғарбпарастларини Усмонийлар давлатини кутқариб қолиш учун, «Мумкин қадар оз ва мумкин қадар секин» бир шаклда ғарблашишга уринишларни оқлайди. Шунингдек, Камол Тохир уларни муҳит, давр ва мақсад уйғунлигида ҳаракат қилганликларини ёқлади.

Камол Тохир фикрича, Республика зиёлиларига қараганда Усмоний зиёлилари ва давлат ҳодимларининг маданий ҳаётда миллий ўзликни, ахлоқий қадриятларни асраб қолишга уринганликларини таъкидлайди. Улар ғарблашишни иқтисодий соҳада ва технология доирасида тутишга ҳаракат қиладилар. Яъни маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни камроқ ғарблаштиришни, иқтисодий ва техникавий ғарблашишни жадаллаштиришни илгари суради. Шундай экан, Камол Тохир фикрича, ғарблашиш, ғарблик бўлмаган бир жамиятнинг ғарблик бўлишга чираниши-инсонни ўзлигидан воз кечиб, бошқа инсонга айланиши жараёнидир. Ғарблашиш жараёнига материалистик назария бўйича баҳо берган Камал Тохир фикрича, халос бўлиш йўли – Анадолли турк жамиятининг тарихий тараққиётини тадрижий ривожлантиришдир.

Хулоса қилиб айтганда, Камал Тохир фикрича, ғарблашиш, ғарблик бўлмаган бир жамиятнинг ғарблик бўлишга чираниши-инсонни ўзлигидан йироқлашиб, бошқа инсонга айланиш жараёнидир. Ғарблашиш жараёнига материалистик назария бўйича баҳо берган Камал Тохир фикрича, чиқиш йўли-Анадолли турк жамиятининг тарихий тараққиётини тадрижий ривожлантиришдир.

Чунки, Туркия ҳам Шарқлик давлат сифатида Ғарб босиб ўтган босқичларни босиб ўтмаган, Ғарб тарихида кулдорлик, феодализм каби даврларни босиб ўтган. Натижада, ғарб инсониди индивидуаллик ва ўз манфаатининг устинлиги каби ҳислатлар шаклланди. Ғарб инсони бугунги кунга келиб давлатсиз ҳам яшайолиш қудратига эга бўлди. Улар учун давлат шунчаки ташкилот ёки ўзларининг жаҳондаги манфаатини ҳимоя қилувчи бирликдир. Лекин шарқда давлатсиз инсон яшай олмайди. Чунки давлат шарқлик инсон учун ҳам ҳимоя, ҳам етакловчи кучдир. Бундан

ташқари, шарқда хусусий мулкчилининг тўла шаклланмаганлиги ва сингимаганлиги учун ҳам ғарблашаолмайди ёки ғарбга ўхшаш тараққиёт босқичларини босиб ўтаолмайди.

3. Аднан Адивар, Фуат Кўпрулу ва Алауддин Шенелнинг ижтимоий қарашлари ва унинг аҳамияти

Сўнги йилларда Туркия ижтимоий тафаккурида илм-фан тараққиётига, глобаллашув жараёнларига ва ҳозирги замон муаммоларига доир асарлар ёзилиши кучайди. Чунки ҳозирги кунда дунё манзараси тезлик билан ўзгармоқда. Ҳаёт суратлари тезлашмоқда. Шу билан бирга ижтимоий муаммолар ҳам кўпайиб, кўплари ечимсиз қолмоқда ёки баъзи ижтимоий низоларга сабаб бўлмоқда. Асарларда, жамиятдаги муаммоларга тарихдан жавоб излаш, ўтмишга қайтган ҳолда ҳозирги кунни баҳолаш масалалари кўтарила бошлади. Масалан, Заки Валидий Тўғоннинг (1890-1970) «Тарихда усул» номли асарида тарих фалсафасига, шунингдек аналитик фалсафага доир қарашлари ифодаланган. Фаҳри Финдикўғлининг «Ижтимоийлик: Методология назариялари» асарида фалсафа ва фан тараққиёти, фаннинг бугунги ҳолати кўрсатиб берилган. Садри Максуди Арсалнинг (1897-1957) ҳуқуқ тарихи ва ҳуқуқ фалсафасига доир асари ва унда ифодаланган ғоялар бугунги кун турк жамиятида ўз аҳамиятига эга. Шунингдек, Али Фуат Бешгул (1893-1967) демократия ва фуқоролик жамияти масалаларига бағишланган асарлари билан ажралиб туради. Аднан Адивар, Фуат Кўпрулу ва Алауддин Шенел асарларида жамиятдаги муаммолар кўрсатиб берилган ва бу ҳозирги Туркия ҳаёти ва тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Чунки бу ёзувчилар ҳозирги замон муаммоларидан келиб чиққан ҳолда, инсон ва жамият, шунингдек, дин ҳақидаги қарашларни илгари сурганлар. Қуйида биз улар илгари сурган ғояларни кўриб чиқамиз ва таҳлил қиламиз.

Аднан Адиварнинг «Усмонли туркларда фан» ва «Тарих давомида фан ва дин» номли икки асосий асари турк ижтимоий тафаккурида ва фалсафасида қимматли асарлар ҳисобланади. «Усмонли туркларда фан» номли асари илк бор 1939-йил Парижда француз тилида ва кейинроқ 1943-йилда ўзи томонидан туркчага таржима қилиниб, босиб чиқарилади. Асарда дин ва фанга алоқадор муаммоларни эскитган мавжуд бўлишига

карамай, ҳозирда ҳам долзарблигини ёқотмаганлигини таъкидлайди. Асосан, ғарбда XVIII асрда бошланган, XIX асрда кучайган ва XX асрда мустаҳкамланган дин ва фан муносабати Туркияда ҳам худди шу йўллардан юрган ҳолда, ривожланиш йўлини тутмоқда. А.Адивар фикрича, фалсафани вужудга келтирган сабаблардан бири ҳам, диннинг моҳияти, нима демоқчилиги, инсонни нимага эътиқод қилиш эҳтиёжини ҳис қилиши юзасидан одамзодни фикрлашга ундаши натижасидир⁸⁵.

Инсоният тарихи ҳақида билимларимиз кенгаймоқда. Натижада, инсонларни турли эътиқодий ва диний шакллари мушоҳадавий йўл билан тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунга келиб, дунёдаги барча динларнинг номи, шакли ва нормалари ўзгача бўлса ҳам, аслида бир бутун, ягона моҳиятга эгаллиги юзга чиқди. А.Адивар диний қарашларида Христианлик, Ислом ва Яҳудийликни бир бирига қарши қўймайди. Балки динга немс олими Счлеирмахернинг диннинг жисми ва руҳи бўлиши ҳақидаги қараш иорқали ёндошади. Диннинг жисмида қонун-қоидалар, ахлоқий нормалар ва унинг ижтимоий қиёфаси мужассам бўлади. Давлатни дин ороқали бошқарувчилар томонидан диннинг жисмига оид қонунлар доимо дунёвий ишларни тартибга солишда ва халқни итоатда тутиб туриш учун фойдаланилади. Диннинг руҳидан эса табиатдан ташқаридаги нарсаларни, энг олий қадриятларни ҳис қилиш ва англашда фойдаланилади. Дин фақат руҳий томондан тадқиқ қилинса, бошқа ҳудудлар ва жамиятларда турли шаклларда мавжуд бўлган динлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлиги келиб чиқади. Диннинг моҳиятини тўла англаш учун инсондаги 3 ҳислат муҳим рўл ўйнайди. Булар-ақл, ирода ва сезги⁸⁶.

Ақл ороқали ёндошилса, диннинг моҳияти ҳақида оддий ва содда билимга эга бўлиш мумкин. Диннинг жисмида борлиқни (қоинотни) тушунарли шаклда намоён бўлишида ақл муҳим рўл ўйнайди. Лекин

⁸⁵ Ayhan Bicak. «Türkiyede felsefenin gelişimi» Anadolu universitesi. 2012. –s.129-130

⁸⁶ Ўша асар. –б. 129-130

моҳиятга етиб бораолмайди⁸⁷. Юқоридаги фикрдан ақл воситасида динни асосига тўлалигича етиб бориб бўлмаслиги келиб чиқади.

Динни ирода воситасида тўла англаб етиш мумкинлигига ишонувчиларни таянчи бу ахлоқдур. Бу асосга таянувчи назариялар, динга амалий йўл сифатида караб, унда ироданинг аҳамиятини юқорилигини айтадилар. Диннинг моҳиятини ҳиссиёт орқали билинади, дегувчиларни фикрлари романрик назария дея, баҳоланади. Бу назарияда диннинг моҳияти сезгилар ва ҳиссиёт орқали очилади, дейилади⁸⁸. Лекин диннинг моҳиятини тўла англаш учун бу уч восита бирлашиши, бирбирини тўлдириши керак.

Дин абадийликка томон очилган эшик, гарчи бизни абадийликка соҳиб қилаолмаса ҳам, дин бизни чеклилик тушунчасидан ҳалос қилади⁸⁹, - деган фикрни илгари суради А. Адивар.

Агар дин фақат руҳи орқали инсониятни жисми ва қалбига эга чиқаолганида эди, ҳеч шубҳасизки, дин илм оламига давогар бўлмаган бўларди. Балки, асрлар давомида башариятни ўйлантирган диний илм ва илмий динни қиёсий таҳлил қилиш ва иккаласи ўртасидаги қарама-қаршилиқни ечишга бугун ҳожат қолмасди. Ана ўшанда, дин инсонларни шон-шарафга, мақсадга етказувчи бир восита эмас, балки инсонларни баъзи ҳиссий ва ботиний эҳтиёжларини қондириш учун яратилганига ишонч пайдо бўларди⁹⁰. Аднан Адиварнинг юқорида келтирилган асарлари ва уларда ифодаланган ғоялардан, уни ҳозирги Туркия ижтимоий тафаккурида муҳим аҳамиятга эгалиги кўринади.

XX асрнинг 50-йилларида турк ижтимоий тафаккурида ўз ўрнига эга бўлган ва қимматли асарлар ёзган файласуф Фуат Кўпрулу ҳисобланади. Фуат Кўпрулу (1890-1976) Истамбулда туғилган. 1930-йилларда Истамбил университетида Адабиёт факултетида декан лавозимида ишлайди. 1950-

⁸⁷ Ayhan Bicak. «Türkiyede felsefenin gelişimi» Anadolu universitesi. 2012. –s.132

⁸⁸ Ўша асар.–б. 132

⁸⁹ Ўша асар.–б. 133

⁹⁰ Ўша асар.–б. 133

йилларда ҳокимиятга келган Демократ партия ҳукуматида Ташқи ишлар вазири лавозимида ишлайди. 1976-йилда вафот этади.

У ҳаётининг 33-йили Усманийлар империяси даврига, 43-йили Республика даврига тўғри келади. У Танзимат даври тарихи ва Республиканинг дастлабки йиллардаги тарихини солиштиради ва тарих фалсафасига доир ўз қарашларини илгари суради. Кўпрулунинг тарихчи сифатидаги ютуғи тарих фалсафаси ва тарихий жараёнлардаги ғоялар оқими билан яхши таниш бўлганлигидир. У қарашларида тарих фалсафасининг бошланишини Монтескиеге боғласада, ўша давр файласуфларининг тарих ва жамиятлар ҳақидаги ғояларига қарши чиқди. Уни фикрича, бугунги тарихни фақат буюк инсонлар, яъни, ҳукумдорлар, вазирлар, олимлар мутафаккирлар ёки дохийлар яратмайди, балки муштарак ғоялар ва мафкуралар ортидан бораётган халқ бирлиги яратади. Инсоният асрлар давомида ҳукмрон бўлган бу ҳато фикрдан XX асрга келибгина ҳалос бўлмоқда⁹¹. Фуат Кўпрулу тарихни буюк шахслар яратиши ҳақидаги фикрга ҳам, уларни тарихни яратишда четда туриши ҳақидаги фикрга ҳам қарши чиқади.

Фуат Кўпрулунинг яна бир ўзига хос томони, XIX асрда Огюст Конт томонидан ишлаб чиқилган фанлар классификациясига қарши чиқади. Чунки, Огюст Конт фанлар таснифида тарихга умуман ўрин бермайди. Шунингдек, Кўпрулу тарихнинг тадқиқот доирасини чегараланишига ҳам умуман қарши эди. Унинг фикрича, тарихни ўрганиш доираси ва чегараси мавжуд эмас. Чунки, бошқа фанлар ҳам тарихга таянган ҳолда ўз тадқиқотларини олиб боради. Шунинг учун, инсоният ҳаётида ҳам, фанлар классификациясида ҳам тарих биринчи ўринда бўлиши керак⁹². Ижтимоий фанлар ҳуқуқ, ахлоқ, сиёсат, адабиёт, санъат, фалсафа ва дин ҳам тарихга таяниб фаолият юритиши тарихни тадқиқот кўлами ниҳоятда кенглигини кўрсатиб беради.

⁹¹ Ayhan Bicak. «Türkiyede felsefenin gelişimi» Anadolu universitesi. 2012. –s.134

⁹² Ўша асар.–6.135

Ф.Кўпрулу, тарих фалсафасини таъбий фанларга аралаштириб юбормаслик кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, у тарихни тадқиқот доирасидаги шартлар ва вазифаларга мос келадиган ишларни қилиши кераклигини айтади. Кўпрулу тарих фалсафасини тарихий изланишларга нисбатан бирмунча фойдалироқ эканлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмоқда. «Усманийлар давлатининг ташкил бўлиши» номли китобининг муқаддимасида «Тарихчилар ҳодисаларни ижтимоий томонини тадқиқ қиладилар ва оддий изоҳлар билан бутун жараёнларни баҳолайдилар. Тарих фалсафаси эса инсоният ҳаётининг умумий тамаддунини ва тарихдаги ҳодисаларнинг нима сабабдан содир бўлганлигини мантиқий йўл билан тадқиқ қилади ва хулосалар чиқаради. Бу инсоният келажагини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга⁹³», - деган фикрларни ёзади.

Шундай экан, Фуат Кўпрулу фикрларидан, ҳозирги замон фанининг ривожланишида тарих фалсафасининг роли юқорилиги келиб чиқади. Шунингдек, фаннинг тараққиёти танқидий ёндашувларга ва таҳлилга боғлиқ эканлиги кўринади. Яъни тарихий жараёнлардан хулоса чиқариб бугунги кунни хис қилиш ва эртанги кунни белгилаш кераклиги келиб чиқади.

Алауддин Шенел 1941-йил Кутаҳияда туғилган. Унинг «Ибтидоий жамиятдан маданий жамиятга», «Сиёсий тафаккур тарихи», «Ирқ ва ирқчилик тушунчаси» номи асарларидан ҳозирги кун турк ижтимоий тафаккурининг забардаст вакилларида бири эканлиги келиб чиқади. Алауддин Шенел сиёсатчи бўлганлиги учун ҳам, асосан сиёсатга таълуқли изланишлар олиб боради. Бир томондан сиёсий атамаларни анализ қилади, бошқа томондан, инсоният тарихидаги буюк ижтимоий ва сиёсий инқилоблар тарихга назар ташлаган ҳолда ечим топишга ҳаракат қилади.

«Қадимги юнонларда тенглик ва тенгсизлик юзасидан» (1970) номли асарида А.Шенел кунимиздаги сиёсий тушунчаларини воқеликни тўлалигича қамраб олиши учун, ўша тушунчаларни дастлаб қўлланилиб

⁹³ Ayhan Bicak. «Türkiyede felsefenin gelişimi» Anadolu universitesi. 2012. –s.135

изоҳланган манбаларга таянган ҳолда ва ўша даврда ифодалаган маъноларини билган ҳолда фойдаланишимиз кераклигини илгари суради. Бугунги кунда барча жамиятларда қўлланилувчи тенглик ва тенгсизлик тушунчаларининг асосларини тарихдан қидириш кераклигини айтади. Шенел фикрича, тенглик ва тенгсизлик ишонч ва истакга асосланиб сиёсий тус олган тушунчалардир⁹⁴. Ҳақиқатдан ҳам, инсонлар қадимдан тенглик ва тенгсизликларини намоён қилиш учун уларни маълум бир қонунларга киритишга ҳаракат қилганлар. Бу қонунларда уларни ишончи ва истаги мужассамланган эди. А.Шенел фикрича, сиёсий назариялар инсонда туғилган фантазия маҳсули эмас. Балки, замоннинг сиёсий жараёнларини қамраб олган ва замоннинг сиёсий ҳолатидан таъсирланган ва уларга ечим сифатида яратилган инсоннинг тажриба маҳсулидир⁹⁵. Қадимги Юнон жамияти, асосан Афина, капиталистик асосга эга бўлган босқичларни босиб ўтган сиёсий жамият сифатида келтирилиши «Қадимги юнонларда тенглик ва тенгсизлик» асарининг асосий ғояси эди. Бу қарашнинг илгари сурилиши янги даврга келиб ўтилган капитализмни тўла маънода тушунишга ёрдам беради. А.Шенел фикрича, жамиятлар тарихи ибтидоий ва маданий жамиятлар сифатида икки даврга бўлинади. Ибтидоий даврда меҳнат тақсмоти бўлмаганлиги учун иш умумий тарзда бажариларди. Бу давр ижтимоий тенглик хусусиятига эга. Табақалар бўлмаганлиги сабабли, тенгсизлик ҳам мавжуд бўлмаган. Маданийлик босқичида, ишлаб чиқариш тақсмоти вижудга келди. Инсонлар бир биридан фарқлана бошлади ва табақалар келиб чиқди⁹⁶. Асар охирида А.Шенел шундай хулосага келади. Юнон маданийлиги тенгсизлик асосига қурилган учмингйиллик анананинг меросхўри ва уни ривожлантирувчиси эканлигини айтилади. «Сиёсий тушунчалар тарихи» (1986) номли асарида А.Шенел ибтидоий жамиятдан тадрижий равишда ҳақиқий инсон бунёд бўлганлигини ва маданийликка эришганлиги айтилади.

⁹⁴ Ayhan Bicak. «Turkiyede felsefenin gelişimi» Anadolu universitesi. 2012. –s.139

⁹⁵ Ўша асар. –б. 140

⁹⁶ Ўша асар. –б. 142

А. Шенел ҳозирги кунда барча жамиятларда мавжуд болган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларга жавобни тарихдан излайди. Уларга ечим сифатида тарихий жараёнларни мисол қилиб кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, XX асрда долзарблик касб этган жамият фаровонлиги, сиёсий эркинликлар, шунингдек диний муаммолар юқорида келтириб ўтилган ёзувчилар диққат марказида бўлди. Улар бу масалалар юзасидан ўз карашларини билдириб ўтдилар.

Аднан Адивар эътиборини ҳозирги кундаги диний муаммолар, диннинг жамиятдаги ўрни, дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар тортади. У диннинг моҳиятига инсон ҳали етиб боролмаганини, шунинг учун ҳам, дин баъзи давлатларда бошқарув рўлини ўйнаётганини таъкидлайди. Аслида дин инсонни баъзи ички хоҳиш ва эҳтиёжларини кондиритишлик вазифасини ўташи кераклигини илгари суради. Дин ҳеч қачон бирор мақсадга эришишдаги воситага айланиб қолмаслиги керак, деган фикрлари ҳозирги кунда ҳам бекиёс аҳамиятга ега.

Фуат Кўпрулу бўлса, жамият ҳаёти, умуман, инсоният учун тарихни ўрни қимматли эканлигини илгари суради. Унинг фикрича, тарих фалсафаси ҳозирги кундаги барча ижтимоий ва сиёсий жараёнларга тўғри хулоса чиқаради ва ечим топаолади. Чунки, тарих фалсафаси мозийни мантиқий таҳлил қилиш ва жамиятлар тараққиётини қиёслаш орқали бугун учун қимматли хулосалар чиқаради. Шунингдек, Алауддин Шенел инсоният тарихидаги долзарб масала тенглик ва тенгсизлик ҳақида фикр юритиб, уларни келиб чиқишини инсондаги меҳнат фаолиятига боғлайди. У жамиятларни иккига бўлади: ибтидоий ва маданий жамиятлар. Ибтидоий давр-тенглик даври бўлса, маданий давр-тенгсизлик даври эканлигини айтади.

III боб бўйича хулоса

III бобда, XX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда ижтимоий фикр ривожига ва унинг аҳамияти масаласини тадқиқ қилишдан шундай хулосаларга келдик:

- XX асрга келиб ҳам, Ғарбчилар ва Муҳофазакорлар ўртасидаги тортишувлар ўз долзарблигини йўқотмади. Ғарбчилар ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришларни янада кучайтиришни ва ғарблашиш жараёнини жадаллаштириш кераклигини қаттиқ ҳимоя қиламоқдалар.

- Муҳофазакорлар эса, ғарблашиш жараёнида ғарбнинг иқтисодий ва техникавий томондан ўзлаштириш кераклигини, маданий томонларни рад этиш кераклигини таъкидламоқдалар.

- Аҳмад Ҳамди Танпинар ўзининг «Ҳузур» номли романида Муҳофазакорлар томонида туриб ғарбчиликни танқид қилади. А.Ҳ.Танпинар қарашларидан шундай хулоса чиқадики, ҳозирги кунда ўзгаришлардан қочиб қутилиб бўлмайди. Шунинг учун, ўзгаришларни маданиятимиз ва кадриятларимизга боғланган ҳолда олиб бориш керак.

- Камол Тоҳир Туркиянинг тарихини ва бугунги тараққиётини Диалектик материализм назарияси асосида таҳлил қилади. Унинг фикрича, Туркия ҳам шарқ давлати сифатида тарихда ғарбга ўхшаб кулдорлик, феодализм каби даврларни босқичма-босқич босиб ўтмаган. Шунинг учун ҳам, тараққиёт ғарбга ўхшаш бўлмайди. Туркияни ғарблашаолмаслигига яна бир сабаб сифатида, шарқдаги жамоавийликни мисол келтиради. Ғарб инсони жамоа манфаати учун яшай олмайди, шарқда эса жамоавийлик инсон қон-қонига сингиб кетган ва шарқ жамоавийликдан ҳеч қачон возкечолмайди. Шундай экан, Туркия ҳеч қачон ғарблик давлат бўла олмайди.

- XX асрнинг охирларида яшаб ижод этган ёзувчилар Аднан Адивар, Фуат Кўпрулу, Алауддин Шенел қарашларида жамият фаровонлиги, сиёсий эркинликлар ва диний масалалар ўз ифодасини топган.

Хулоса

Ҳозирги кунда маълум минтақа ёки давлатнинг фалсафий фикр ривожини тадқиқ қилишга кучли урғу берилмоқда. Чунки, ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларга тўғри ёндошишни ва глобаллашув шароитида кучаяётган сиёсий жараёнлардан тўғри хулоса чиқаришни талаб қилади. Ҳеч бир мамалакат глобаллашув жараёнида ёпиқ ҳолда яшай олмайди. Ғоявий кураш ва вертуал таъсирлардан ҳимояланишнинг ягона чораси бу, ўз тарихини ва фалсафасини билиш билан бирга, чет давлатлар тарихи ва фалсафаси, шунингдек фалсафий фикр тараққиётига ҳисса қўшаётган хорижлик файласуфлар қарашларини чиқур ўрганиш ва тўғри хулосалар чиқаришдир. Шундай экан биз ҳам магистрлик диссертациямизда XX асрнинг иккинчи ярмидаги Туркия фалсафий фикр ривожини тадқиқ қилдик ва замонавий турк фалсафасининг ўзига хос хусусиятларини, кунимиздаги турк файласуфларининг фалсафий қарашларини ўргандик ва жамиятимиз учун аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Бу тадқиқот ишимиздан шундай умумий хулосалар чиқардик:

-Аввало, XX аср турк фалсафий фикр тараққиётини ўрганишга кириш сифатида Танзимат даври турк фалсафий фикр ривожини ва XIX асрда Усманийлар давлатининг ижтимоий ва маданий ҳаётини ўргандик. Сабаби, Усманийлар даврида мавжуд бўлган фалсафий оқимлар ва улар шуғулланган муаммолар Республика даврида ҳам ўз аҳамиятини ва долзарблигини сақлаб қолди. XX асрнинг иккинчи ярмида мавжуд бўлган фалсафий муаммолар Танзимат даври фалсафий фикр ривожига асосланган ва ундан таъсирланган ҳолатда эди. Мисол учун, Танзимат даврида долзарблик касб этган ғарблашиш жараёни XX асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқатмади. Шунингдек, Танзимат даврида тўла шаклланган спиритуализм, материализм ва позитивизм оқимлари кейинги асрда ҳам фаолият юритди. Спиритуализм оқими материалистик қарашларга ва ғарбчилик ҳаракатларига қарши фикрларни илгари суради. Чунки, спиритуалистлар миллий қадриятларини ва ўзликни сақлаб қолган ҳолда ривожланиш

кераклигини таъкидлайдилар. Позитивистлар эса, жамиятни тубдан ислоҳ қилишни, янгиликлар олиб кириш кераклигини илгари сурадилар. Илм-фан, техника ривож ва олиб кирилган янгиликлар давлатни ғарб давлатлари доирасига олиб чиқишини айтадилар. Туркия ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига назар ташласак, Ғарблашиш оқибатида мамлакат сиёсий ва иқтисодий томондан ривожланди. Гарчи ғарблашиш ҳаракатлари қораланган бўлса ҳам, у мамлакатни иқтисодий салоҳиятини юксалишига сабаб бўлди. Чунки, ғарблашиш натижасида ғарбдаги барча техникавий янгиликлар олиб кирилди. Шундай бўлса ҳам, ғарблашиш жараёни маданий ҳаётда ўзининг салбий таъсирларини кўрсатди. Шундай экан, Танзимат даври фалсафий фикри ҳилма ҳил фикрлар ва қарашлар асосида ўзига хослик касб этди. XIX асрнинг II чорагидан бошлаб умумий «ғарбчилик» номи остида ушбу даврдаги энг муҳим бўлган ғарбнинг ҳаёт фалсафаси, социал дарвинизм, фрейдизм, прагматизм, позитивизм ва бошқалар Туркия ҳаётига оқиб кириб кела бошлади.

-Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмида Туркиядаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни тадқиқ қилиш натижасида шундай хулосага келиндики, XX асрга келиб, Туркия ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожланиш босқичига қадам қўйди. Ғарб йўлини танлаши натижасида сиёсий барқарорлиги таъминланди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жамият маданий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Илм-фан тараққий эта бошлади. Жамиятда фалсафий фикр ривожига кенг йўл очилди. XX асрнинг иккинчи чорагигача бўлган жаҳондаги сиёсий жараёнлар ва жамиятдаги ўзгаришлар турк фалсафий фикрига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Аср бошларида ижод қилган Рашшод Нури Гунтекин, Акиф Эрсой ва Умар Сайфиддин асарларида жамиятдаги ўзгаришлар, инсонлар ички дунёси ва ҳаёт мазмуни каби масалалар ёритилди. Биринчи ва иккинчи жаҳон уришидан кейин турк фалсафий фикрига Ғарб фалсафий оқимлари кириб кела бошлади. Буларга экзистенциализм, прагматизм, герменевтика, фалсафий антропология каби йўналишларни мисол

қилишимиз мумкин. Туркия Ўртаер минтақасида ўзига ҳос иқтисодга ва миллий давлатчилик шаклига эга давлат мавқеига эга бўлди. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида Ғарб ва Шарқ жамиятларида ва инсонларида ғалати бўшлиқ вужудга келди. Инсонлар ҳаётдан ва жамиятдан бегоналашди. Жамиятларда тушкунлик пайдо бўлди. Натижада Ғарбда экзистенциализм фалсафаси пайдо бўлди ва улар инсоннинг мавжудлиги масаласида баҳс юрита бошладилар. Бундай жараёнлар албатта, турк фалсафий фикрига ҳам кириб келди. Чунки иккинчи жаҳон урушининг Туркия иқтисодига таъсири натижасида вужулга келган инқироз ва сиёсий беқарорликлар инсонларда тушкунлик кайфиятини ва жамиятдан бегоналашувни келтириб чиқарди. Биламизки, тушкунлик ва инсоннинг ночорлиги ҳаётда янги йўллар ва янгиликлар ахтаришга ундайди. Ғарб ҳам экзистенциал фалсафа орқали ўзини англади ва нималарга қодирлигини тушуниб етди. Натижада ғарбликлар ўзлари учун фаровон жамиятни яратдилар. Туркияга экзистенциализм фалсафасининг таъсир этиши, инсонларни ўйлашга мажбур қилди. Улар бу ҳаётда нима учун яшаётганликларини, ҳаётдан мақсад нима эканлигини ўйлай бошладилар. Бу жараён турк фалсафий фикр эгалари томонидан жамиятни ислоҳ қилиш, янгиликлар киритиш кераклиги ҳақидаги ғояларни илгари суришларига тўртки бўлди. Тушкун ва жамиятдан бегоналашган турк инсонини кўрсатиб берган Аҳмад Ҳамди Танпинар, Юсуф Атилген, Ҳилмий Зиё Улкен ва Камол Тоҳир каби ёзувчилар жамиятдаги муаммоларга қарши миллий давлатчиликни шакллантириш ва кучли турк инсонини бунёд қилиш кераклигини илгари сура бошладилар.

-Бундан ташқари, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ҳам Туркияда Муҳофазакорлар ва Ғарбчилар ўртасида тортишувлар давом этаётган эди. Бу жараёни ҳозирги кунга қадар давом этишига сабаб, жамиятда ғарблашишнинг салбий жиҳатлари намоён бўла бошлаганлигидир. Дастлаб ғарблашишни салбий томонлари кўринмади, мамлакат иқтисодига ижобий таъсир кўрсатиб, уни оёққа турғазди. Лекин XX асрнинг ўрталарига келиб,

турк жамиятида маданий ўзгаришлар келиб чиқа бошлади. Ёшларда ананалардан ва миллий қадриятлардан узоқлашиб, ғарбона маданиятга оғиш бошланди. Бу эса, миллатни бузилиши сифатида баҳоланди. Бундай вазиятда муҳофазакорлар ғарблашишни танқид қилиб, жамиятдаги миллий хусусиятларни сақлаб қолиш кераклигини илгари сурдилар. Миллийликнинг йўқолиши миллат тарқоқлигига олиб келишини ва бу мамлакатни сиёсий парокандаликка олиб келишини билдирдилар. Аҳмад Ҳамди Танпинар ғарбнинг техникавий ва иқтисодий устунлигини қабул қилиш ва ўзлаштириш кераклигини, маданий хусусиятини рад этиш кераклигини илгари суради. Камол Тоҳир бўлса, Шарқ мамлакатларини, хусусан Туркияни ғарблик бўлаолмаслигини материалистик назария бўйича очиқ беради. Унга кўра, Ғарб давлатлари кулдорлик, феодализм, капитализм даврларини босқичма-босқич босиб ўтди. Шарқда эса, жамиятлар тарққиёт босқичлари аниқ намоён бўлмайди. Жамиятларнинг ривожланиш босқичлари аралаш ҳолда кечганлиги кўринади. Шу сабабли, Шарқ мамлакатлари ўз хусусиятига кўра ғарблашаолмайди. Камол Тоҳир жамият ривожига синергетик нуқтаи-назаридан ёндошиб, ҳар бир жамиятнинг ўз тарққиёт йўли бўлишини айтади. Бошқа моделнинг ўзлаштирилиши ва жамиятга мажбуран сингдирилиши салбий хусусияларни келтириб чиқаришини таъкидлайди.

-Шунингдек, XX асрнинг сўнги чорагидаги турк фалсафий фикр эгалари Аднан Адивар ва Фуат Кўпрулулар қарашларига назар ташласак, уларда жамият ва дин, дин ва сиёсат муносабатлари таҳлил қилинганлигини кўришимиз мумкин. Аднан Адивар ҳозирги кунда ҳам инсонлар диннинг моҳиятини тушуниб етмаганликлари сабабли диний низолар келиб чиқаётганлигини айтади. Диннинг давлат ишларига аралашishi ёки диндан маълум манфаат йўлида фойдаланилаётганлиги сабабли миллий тоқнашувлар юзага келаётганлигини таъкидлайди. Ҳозирги кундаги диний қарама-қаршиликларни тўхтатиш учун инсонлар диннинг моҳиятига етиб боришлари керак.

Шундай қилиб, XX асрда Туркиядаги фалсафий фикр ривожини тадқиқ қилишдан шундай натижаларни чиқардик:

-XIX асрнинг охирларига келиб Туркия иқтисодий инқироз ҳолатига келиб қолди. Бу ҳолатдан чиқиш учун ғарблашиш йўлини танлади. Ғарблашиш Туркияга иқтисодий тараққиётни таъминлади.

-Ғарблашиш ҳаракатлари натижасида Туркияга Ғарб фалсафий оқимлари, хусусан, прагматизм, позитивизм, герменевтика ва экзистенциализм оқимлари кириб келди. Бу оқимлар илгари сурган ғоялар натижасида жамиятда ўзгаришлар содир бўла бошлади.

-Экзистенциализм ғояларининг кириб келиши натижасида турк инсони ўзлигига қайтди. Инсоннинг мавжудлигини ва ҳаётнинг мазмунини очиб берувчи экзистенциал фалсафа Юсуф Атилген, Ҳилмий Зиё Улкен, Ферит Эдгу, Демир Ўзлу, Сабаҳиддин Али каби ёзувчилар қарашларида ўз аксини кўрсатди.

-Ҳилмий Зиё Улкен қарашларидан Ғарбнинг инсон фалсафаси вакиллариининг қарашларига қарши чиқиши ва инсоннинг буюклигини ундаги иймон кучига боғлаганлиги келиб чиқди.

-Аҳмад Ҳамди Танпинар ва Камол Тоҳир илгари сурган ғоялардан, турк инсонининг миллий мавқеда қолиши кераклиги, ғарблашишни мажбуран сингдириб бўлмаслиги, бу жараён миллий инқирозга олиб келиши мумкинлиги келиб чиқди.

Ушбу тадқиқот ишимизнинг жамиятимиз учун амалий аҳамияти шундан иборатки, турли ҳил ижтимоий-сиёсий ҳамда диний жараёнларга тўғри хулоса чиқазишга ёрдам беради. Шунингдек, Шарқ фалсафасида ва қардош халқлар ижтимоий фикр ривожини ва фалсафасини ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, Миллий ғоя фанида тадқиқот ишининг баъзи жойларидан мисоллар келтиришда ишлатишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -40 б.
2. Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Декларациянинг 60 йиллигига бағишланган нашр 1948–2008. –Тошкент: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Ўзбекистон, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. -12 б.
3. Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. – Тошкент: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1998. -48 б.
4. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -30 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». – Тошкент: Шарқ, 1998. -63 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012-йил 24-июлдаги ПФ-4456-сон фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 2007-йил 10-сентябрдаги Н 190-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001-йил 16-августдаги Н 343-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2012-йил 18-декабрда рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлигининг «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Н 2405-сон буйруғи.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -380 б

11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -412 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -236 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари Т.: Ўзбекистон, 1998

15. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

16. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1998.

17. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -528 б.

18. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. -226 б.

19. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

20. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

21. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -320 б.

22. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -134 б.

23. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -439 б.

24. Каримов. И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий кадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006 -278 б.

25. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. - Т.: Ўзбекистон, 2009. -178 б.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган «Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси» номли маърузаси // «Халқ сўзи». 2010. 12 ноябр.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // «Халқ сўзи». 2010. 22 сентябр.

28. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

29. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент: «Ўқитувчи», 2012. -188 б.

30. Каримов И.А. Инсон хотираси - боқий, қадр-қиммати – улуғ. «Халқ сўзи» 2012-йил 10-май. -273 б.

IV. Асосий адабиётлар

30. Atılgan, Y. Aylak Adam. İstanbul : Yapı Kredi Yayınlan. 2005. –s. 249

31. Kemal Tahir. Esir Şehrin Mahpusu, İstanbul: Adam Yayınları. 1993. –s. 354

32. Kemal Tahir. Esir Şehrin İnsanları, İstanbul: Can Yayınları. 1982. –s. 301
33. Korlaelçi Murtaza, Pozitivizmin Türkiye'ye Girişi, İstanbul 2003. –s. 398
34. Mengüşoğlu, Takiyettin. İnsan Felsefesi, İstanbul: Remzi Kitabevi. 1988
35. Mustafa Kemal Şan «Kemal Tahir ve tarihsel gerçeğin inşası» Ankara. 2000. s 193,
36. Mustafa Karabulut «Yusuf Aatılğanın «Aylak adam» romanında anlatım teknikleri» Ankara. 2012, -s. 1387
37. Tuncay Imamoğlu «Ahmet Hamdi Tanpınarda süreklilik ve değişim» Atatürk üniversitesi, Sosyal bilimler enstitüsü. 2012. –s 156
38. Ülken H. Ziya, Türkiye'de Çağdaş Düşünce Tarihi, III. baskı, İstanbul, 1992.
39. Yeni Türkiye yayınları, Ansiklopedi,cilt.14, Ankara, 2002. –s 1267

V. Қўшимча адабиётлар

Ўзбек тилида

40. Аҳмедова М. Фалсафа.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.-2006. -495 б.
41. Алиқулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавит-ахлоқий фикр ривож (асарлар ва ма-лар тўплами). –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.-148 б.
42. Западная философия. Итоги тысячелетия. –Екатеринбург, 1997.
43. Назаров Қ. Ғарб фалсафаси. -Т.: Шарқ, 2004. 382 б.
44. Йўлдошев С. Усмонов М. Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср ғарбий Европа фалсафаси. –Т.: «Шарқ» нашриёти, 2003. -208 б.
45. Йўлдошов С, Каримов Р, Рўзметова Г. Янги ва энг янги давр ғарбий Европа фалсафаси(XVIII-XX асрлар). -Т.: “Шарқ”, 2002. 335 б.
46. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). –Т.: ТошДШИ нашриёти, 2009. 191 б.
47. Пўлатова Д., Рўзматова Г. Фалсафа тарихи (Ғарб фалсафаси). -Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013. -425 б.

48. Пулатова Д.А. Шарқ фалсафаси қадриятларини тадиқ этиш ва ўқитишнинг методологик муаммолари // Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. -Т.-2009. Б.7-13.

49. Рузматова Г. XIX аср ўртаси ва XX аср боши ғарб фалсафаси. Маърузалар матни. -Т.: 2001. 245 б.

50. Скирбекк Г., Гиле Н. Фалсафа тарихи. –Т.: “Шарқ” 2002. -712 б.

51. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: 1992.

52. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. -371 б.

Турк тилида

53. Atılğan, Y. Anayurt Otelı. İstanbul:Yapı Kredi Yayınları. 2005 s

54. Akgül Mehmet. Türk Modernleşmesi ve Din. Konya: 1999 s.

55. Akgün Mehmet. Materyalizmin Türkiye’ye Girişı ve İlk Etkileri, Ankara 1988 s.

56. Akşın Sina. Jön Türkler ve İttihat Terakki, İstanbul: 1987 s.

57. Arabacı Fazlı. «Osmanlı Modernleşmesinde «Yeni Osmanlılar»ın Din ve Siyaset Anlayışları», Dini Araştırmalar, c.2, sayı: 5, (Eylül-Aralık),

58. Bayram Ali Çetinkaya. Modern Türkiye’nin felsefi kökenleri, Ankara, 2002 s.

59. Beşirli Mehmet. «Osmanlıda Modernleşme ve Aydınlar 1789-1908», Dinî Araştırmalar, c. 2,sayı: 5, (Eylül-Aralık), Ankara 1999 s.

60. Berkes Niyazi. Türkiyede Çağdaşlaşma, Ankara, 1973 s.

61. Cengiz M. «Yusuf Atılğan: Sevgi Yazdıklarımın Temel Eksenidir». Ankara 2002 s.

62. Çubukçu İ. Agah, Türk Düşünce Tarixinde Felsefe Hareketleri, Ankara, 1986. –s. 679

63. Demiralp O. «Bir Ayrıntının Ardında». Kitaplık. 41, (Mayıs-Haziran): 2000

64. Findikog’lu Z. F. «İctimaiyat dersleri», İstanbul, 1971.-s.456

65. Işın Ekrem. Osmanlı modernleşmesi ve pozitivism, Tanzimat'tan Cümhuriyet'e Türkiye Ansiklopedi, cilt.2, İstanbul 1985.
66. Korlaelçi Murtaza, Pozitivizmin Türkiye'ye Girişi ve ilk etkiler, İstanbul 1986.
67. Korlaelçi Murtaza, Pozitivist düşüncenin ithali, Cümhuriyet'e devreden düşünce mirası: Tanzimat ve meşrutiyetin birikimi, cilt.1, 2006.
68. Mardin Şerif, Türkiyede Toplum ve Siyaset, III. baskı, İstanbul 1992.
69. Mardin Şerif, Din ve İdeoloji, IV. baskı, İstanbul 1993.
70. Mardin Şerif, Jön Türklerin Siyasî Fikirleri (1895-1908), VI. baskı, İstanbul 1999.
71. Mardin Şerif, Türkiyede Din ve Siyaset (Makaleler: 3), III. baskı, İstanbul 1993.-s. 321
72. Mardin Şerif, Yeni Osmanlı Düşüncesinin Doğuşu, çev: M. Türköne, F. Unan, İ. Erdoğan, II.baskı, İstanbul, 1998.
73. Ortaylı, Osmanlı batılaşması,Tanzimat II, İstanbul 1999.-s 487
74. Orhan Okay, Türkiyede modernleşmenin ilk döneminde geleneksel dini düşüncedeki değişimler, İstanbul, 1997.
75. Orhan Okay, Beşir Fuad, İstanbul, 1969.
76. Subaş Necdet, Türk Aydınının Din Anlayışı, İstanbul, 1996. –s 267
77. Sungu İhsan, «Tanzimat ve Yeni Osmanlılar», Tanzimat II, İstanbul, 1999.
78. Türköne Mumtazir, İslamcılık'ın doğ'usu, İstanbul, 1991. –s 435

VI. Интернет сайтлари

79. <http://www.ziyo.net> (Turkiya-1870-1920-yillarda)
80. <http://www.rehberim.net/forum>. (Cumhuriyetin ilk yıllaridaki durum)
81. <http://www.risaleinurenstitusu.org>. (Batı Medeniyetinin İki Veçhesi)
82. <http://www.egitim.aku.edu.tr>.(Süleyman Karataş, Osmanli eğitim sisteminde batılilaşma)

83. <http://www.facebook.com> (Mehter Takımı, II. Meşrutiyet dönemi fikir akımları)
84. <http://www.egitim.aku.edu.tr> (Ergün. Batılılaşma dönemi Osmanlı eğitim sisteminin gelişimine mukayeseli bir bakış)